Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 235 (8725).

7 декабрь 1985 йил шанба

Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

5 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссиясининг республика давлат ҳокимияти олий органи бошқа доимий комиссияларининг вакиллари иштирокидаги якунловчи мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани тегишли бўлимларини, 1985 йилги план қандай бажарилаётганлигини, Ўзбекистон ССРнинг 1986 йилги Давлат бюджетини ва 1984 йилги бюджет ижроси ҳақидаги ҳисоботни дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари тузган тайёргарлик комиссияларининг раҳбарлари ахборот бердилар.

Сўзга чиққан депутатлар республика давлат ҳокимиятининг олий органи сессияси муҳокамасига тақдим этиладиган планда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасининг топшириқлари эътиборга олинганини уқтириб ўтдилар. Экономикани ўстиришнинг интенсив омилларини кенг қўлланиш, биринчи галда фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, ресурсларни тежаш режимига қатъий риоя этиш кўзда тутилмоқда. Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда халқ депутатлари Советларининг муҳим роли, мавжуд резервларни ҳар томонлама сафарбар қилиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани, 1985 йилги планнинг бажарилиши юзасидан, Ўзбекистон ССРнинг 1986 йилги Давлат бюджети ва 1984 йилги бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан чиқарган хулосалари лойиҳаларини тасдиқладилар. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессияси доимий комиссиялари номидан қўшимча доклад қилиш Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссиясининг раиси депутат В. А. Антоновга топширилди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ВА ЎЛКА КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Бугун ва эртага мамлакатимизнинг бир қанча шаҳарларида дастлабки область партия конференциялари бўлиб ўтади. Бу конференциялар партия XXVII съездига тайёргарликнинг навбатдаги босқичидир. Партия группалари, бошлангич район ва шаҳар ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлардан кейин область ва ўлка конференциялари қилинган ишлар кўригини давом эттиради.

Умуман партия ва мамлакатдаги вазиятни характерловчи талабчан, ижодий муҳит ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида айниқса ёрқин намоён бўлмоқда. Кампания юксак ғоявий-сиёсий даражада, кенг ички демократия вазиятида ўтмоқда, партия сафларининг жипслигини, партия билан халқнинг бузилмас бирлигини намойиш этмоқда. Бошлангич партия ташкилотлари йиғилишларининг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Марказий Комитет секретарлари, Марказий Комитет аппаратининг масъул ходимлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетларининг бюро аъзолари, секретарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари актив қатнашдилар.

Коммунистлар активлигининг ўсганлиги, ишчанлик ва талабчанлик жуда муҳим сиёсий кампанияга хос бўлмоқда. Кўпгина йиғилиш ва конференцияларда кундалик практика, ҳал этилмаган проблемалар қизиқиб, чуқур муҳокама қилинди. Камчиликлар ва шу камчиликларнинг конкрет айбдорлари қаттиқ танқид қилинди. Коммунистлар орттирилган тажрибаларни умумлаштирдилар, ишлаб чиқаришдаги танг жойларни, ташкилий ва идеологик ишдаги камчиликларни бартараф этиш чораларини биргалашиб ишлаб чиқдилар.

Бир қанча жойларда қолоқ участкаларни илғорлар даражасига чиқариб олиш мумкин бўлганлиги, умуман ишлар яхшилик сари ўзгара бошлаганлиги ҳисобот ва сайлов ишчанлик билан ўтаётганлигидан далолат беради. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари ортмоқда, бошқа иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланмоқда. Йил бошида бир қанча тармоқларда узилишлар бўлганига қарамай, ҳозир аҳволни ўнглаб, экономика мўлжалдаги марраларга чиқиб олишини таъминлай олдик. Тартиб ўрнатиш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, тежамкорлик режимини кучайтириш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш борасида қўйилган амалий қадамлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Бошланган ишни қатъий ва изчиллик билан давом эттирмоқ керак. Зеро экономикага, бутун хўжалик ва партиявий-сиёсий ишга партиявий раҳбарликнинг шакл ва методлари қайта тузиб чиқилмаган жойлар ҳам бор. Ё кутиб туриш позициясига ўтиб олиб, эскиликка қайтишдан умид узмаган кишилар ҳам бор. Бундай тенденцияга қатъиян барҳам бериш лозим. Область ва ўлка конференцияларида партия ташкилотлари ва комитетларининг кундалик практикасини чуқур анализ қилиб, ташаббус кўрсатаётган, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, тежамкорлик, тартиб ўрнатиш, интизомни мустаҳкамлашда дуруст натижаларга эришган коллективларнинг ютуқларидан ҳаммани баҳраманд этиш муҳимдир. Келаси йилдан бошлаб олга қараб дадил ва жўшқин ҳаракат қилишни таъминлаш, мўлжалдаги марраларга эришиш, мамлакат ишлаб чиқариш кучларини сифат жиҳатидан ўзгартириб бориш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида беш йилликнинг охирида яна ҳам зўр бериб меҳнат қилиш зарур.

Партия КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ишлаб чиққан йўлга қатъий амал қилиб, халқ хўжалигининг барча бўғинларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш конкрет программасини кенг кўламда амалга оширишга киришди. Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашда муҳим роль ўйнаши лозим бўлган кенг кўламдаги чора-тадбирлар кўрилди. Хўжалик юритишнинг янги методлари янада ривож топади, машинасозликдаги ташкилий структура соддалаштирилади. Вазифалар кўп марта такрорланишига, хўжаликлар ва корхоналарнинг майда-чуйда ишларига аралашаверишга барҳам берувчи агросаноат комплексини бошқаришнинг принципал янги органлари тузилди. Мана шу шароитларда партия конференциялари ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, хўжалик кадрларига ижодий муносабатни, нафли ва дадил ташаббусларни пайқаган ва қўллаб-қувватлаган ҳолда жамики сийқаси чиққан яроқсиз ишлардан тезроқ қутулишда ишчанлик билан ёрдам бериш керак.

Ўлка ва область конференцияларининг делегатлари КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, партия Уставига киритиладиган ўзгартишлар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини атрофлича муҳокама қилиб чиқадилар. Муҳокамаларда кўп кишиларнинг қатнашуви умуман мамлакатнинг, шунингдек алоҳида-алоҳида ҳар бир регионнинг ривожланиш истиқболини аниқроқ белгилашга имкон беради, кишиларнинг партия, социалистик ватан ишларига манфаатдорлиқ билан, онгли, ижодий муносабатда бўлиш даражасини оширишга ёрдам беради. Съездолди ҳужжатларининг муҳокамаси конкрет вазифалар билан яқин алоқада борса, у янада самарали бўлади, албатта.

Конференцияларнинг қатнашчилари кўпдан-кўп проблемаларни тилга олдилар. Лекин гап нима тўғрисида бормасин, ишнинг мазмундорлиги, муҳокаманинг конкретлиги, ошкора фикрлашиб олиш, принципиаллик ва талабчанлик, вужудга келувчи проблемаларни ҳал этишнинг ижобий йўлларини излаш асосий вазифа ҳисобланади. Бунда танқид ва ўз-ўзини танқид муҳим ўрин тутиши керак. Реал воқеликни бўрттириб кўрсатиш ёки манфур объектив сабабларга айбни тўнкашга уринишлар пайини қатъиян қирқиш, ташкилий чоралар билан кўмиб ташлаш ва мадҳиябозликка барҳам бериш керак. Конференцияларнинг минбаридан бошқаларга «дакки бериш» учунгина фойдаланиб қолиш нотўғри бўлур эди, албатта: чунки область, ўлка партия комитетлари аввало ўз фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

Ҳисобот докладларини, съездолди ҳужжатларини муҳокама қилиш чоғида анча-мунча танқидий мулоҳазалар ва таклифлар айтилмоқда. Ҳамма фикр, тавсия, истакларни ғоятда синчиклаб назарда тутиш, қимматли бирон нарсани ҳам назардан қочирмаслик керак.

Конференция — қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ўзигина эмас. У олға қадам ташлашнинг бошланиши ҳам ҳисобланади. Бу ҳаракатнинг тезлиги делегатлар қабул қиладиган қарорларга боғлиқ бўлади. Қарорлар нечоғлик конкрет, асосли бўлса, уларнинг натижалари ҳам шунчалик юқори бўлади. Мўлжалланган ишларни кечиктирмасдан ва бўшашмасдан амалга оширишга киришиш керак. Вақт кутиб турмайди!

Конференциялар бутун ишимизга сўзсиз янги омил бағишлайди. Коммунистлар, барча совет кишилари белгиланган ишларни амалга ошира бориб, партиянинг XXVII съездини меҳнатда янги-янги зафарлар билан кутиб олишларига шубҳа йўқ.

(«ПРАВДА»НИНГ 6 ДЕКАБРЬ СОНИДАГИ БОШ МАҚОЛАСИ).

ДАСТЛАБКИ ДИЗЕЛЛАР

ТОШКЕНТ мотор заводида тайёрланган дизелларнинг дастлабки туркуми бу юртмачи — республика «Госкомсельхозтехника» бирлашмасига жўнатилди. Бу билан 80 от кучига эга бундай моторлар ўрнатилган «зангори кема» ва тракторлардан ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида қишлоқ хўжалиги ишларида фойдаланиш мумкин бўлди.

Корхона қурилиши бундан икки йил аввал бошланганди. Бунёдкорлик ишлари ҳамон давом этаётган бўлсада, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Завод қуввати борган сари ошмоқда. Механика цехида 7 та — кўп жараёнли марказларни созлаш ниҳоясига етди. Асбоб-ускуналар ва технологик жараёнларни ўзлаштириш қатъий график асосида олиб борилмоқда. Мотор таркибига кирувчи 300 дан зиёд деталларнинг қарийб 70 таси шу ерда тайёрланяпти. Мажбуриятга мувофиқ йил охиригача бундай қисмларнинг сони 100 тага етказилади.

Заводда рақамли программа билан бошқариладиган 47 та замонавий мураккаб ва умуман станок ўрнатилган. Улар учун программани шу заводда ташкил этилган рақамли программа билан бошқариш махсус бюроси тайёрлаб беради.

М. БОБОЖОНОВА.

ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ ҲИСОБИГА

ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати коллективи ўн биринчи беш йиллик ва унинг сўнгги йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлаш учун барча резервлар ва имкониятларни ишга солмоқда. Корхонада айниқса, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг бош йўли бўлиб қолди.

Шу асосда ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, прогрессив технология ва илғор иш усулларини қўлланиш, янги асбоб-ускуналарни ишга тушириш билан боғлиқ бўлган кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада меҳнат унумдорлиги муттасил ортиб бораяпти. Бу муҳим кўрсаткични қўшимча бир процент ошириш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбурият шараф билан уддаланмоқда. Бунинг эвазига корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми анча кўпайди. Умуман маҳсулот ҳажми кўпайишининг ҳаммасига иш унумдорлиги ҳисобига эришилди.

КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунликлар шиори остида бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашаётган комбинат ишчи-хизматчилари маҳсулот реализация қилиш давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни ҳам муваффақиятли бажармоқдалар. Улар йил бошидан бери топшириқдагига қўшимча юзларча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

М. МАҲМУДОВ

● ИНЖЕНЕР-технолог Умида Абдуллаева республикамиз пойтахтидаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида бир неча йилдан бери меҳнат қилади. Ҳозир арқоқ тўқиш цехида смена мастери сифатида ишчилар ўртасида илғор иш усулларини қўлланиш, кўп станокчилик ҳаракатини ёйишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тармоқ нормасига мувофиқ ҳар бир тўқувчи 3 та машинани бошқариши керак. Ҳозирги вақтда эса тўқувчиларнинг ҳар бири 6 тадан машинага хизмат кўрсатишаяпти. Ишларнинг сифати ҳам яхши бўлмоқда. Улар тўқиган трикотаж газламалари доим «аъло» баҳо билан қабул қилинмоқда. Ушбу суратда инженер-технолог Умида Абдуллаевани маҳсулот сифатини кўздан кечираётган вақтда кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ ОЛИНДИ

ШАҲАРЛАРАРО пассажирлар ташиш Тошкент область автобус парки коллективи пассажирларга хизмат кўрсатиш йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт берди. Шу давр мобайнида 17 миллион 100 минг сўмлик ўрнига 17 миллион 371 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Коллектив бу муваффақиятга тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, техникадан унумли фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулларини қўллаш эвазига эришди. Оммавий тус олган социалистик мусобақа ҳам йиллик планни муддатидан илгари уддаланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Илғор ҳайдовчилардан М. Ҳасанов, Н. Вашинко, А. Алимовлар ҳам кунлик нормаларини доим 120—130 процентдан бажариб, коллектив ютуғига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Корхона шофёрлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, йил охиригача яна 81 минг пассажирга хизмат кўрсатиш мажбуриятини олдилар.

Қ. МУЛЛАБОЕВ.



СУРЪАТ ПАСАЙМАЯПТИ

● ОБЛАСТИМИЗДА ҳосилдан бўшаган экин майдонларини шудгорлаш қизғин давом этяпти. Ҳозиргача 141 минг 752 гектар пахта майдонининг 130 минг 356 гектардан ортиғи ҳайдаб қўйилди. Ўтган куни колхоз ва совхозларда 590 та ҳайдов трактори унумли ишлатилди. Уларнинг ҳар бирида 4,6 гектардан ер шудгорланди. Бу муҳим тадбирни биринчи бўлиб якунлаган Ғалаба, Чиноз, Коммунистик районларида бошқа кузги-қишки ишлар ҳам намунали олиб борилмоқда.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ

● Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида пахтадан баракали хирмон уйган Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин ҳозирлашни уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Хўжаликда асосий диққат-эътибор ерларни чуқур ва сифатли ҳайдашга қаратилди. Мавжуд 3 минг гектар майдон тўла шудгорланди. Ҳайдов тракторларини унумли ишлатган Облақул Турдиев, Абдусамад Маматқулов, Бахтиёр Холматов, Тоштемир Беркинбоев сингари механизаторлар 140—150 гектардан ер шудгорлашди. Айни кунларда улар далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда.

ПИСКЕНТ РАЙОНИ

● КУЗГИ шудгорни барвақт якунлаган Свердлов номли колхоз дала меҳнаткашлари кузги-қишки ишлар юзасидан белгиланган бошқа тадбирларни ҳам сифатли бажаришмоқда. Айниқса, Музаффар Аббосхонов бошчилигидаги «Ҳосил» бригадаси механизаторлари баракали ишлаб қилишяпти. Бригада аъзолари ҳар куни далаларга 700—750 тонна гўнг чиқаришмоқда. Фахриддин Каримов, Аҳмат Нурматов, Зоҳид Ортиқов сингари тракторчилар кунига 20 тоннагача гўнг ташиб, мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Бу йил колхозда жами 5 минг тонна ўғит тайёрланади.

ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

МАҲСУЛДОРЛИК НЕГА КАМАЙМОҚДА?

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА СУТ СОҒИБ ОЛИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 1985 ЙИЛ 1 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Районлар	10 кун давомида соғиб олинган сут (тонна)			Қишлов бошидан буён соғиб олинган сут (тонна)			Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут—кг				
							10 кун давомида			Қишлов бошидан буён жами	
	олдинги ўн кунликда	ҳисобот даврида ги ўн кунликда	фарқи +, —	1984—1985 йилдаги қишловда	1985 1986 йилдаги қишловда	фарқи +, —	олдингисидан	ҳисобот даврида	фарқи +, —	кг.	1984—1985 йилдаги қишловга нисбатан +, —
Оққўрғон	190	182	— 8	1320	1258	— 62	51	49	—2	336	—12
Оҳангарон	194	196	+ 2	1031	1257	+226	55	55	—	353	+90
Бекобод	285	269	—16	1710	1829	+119	65	61	—4	416	+ 5
Бўстонлиқ	145	136	— 9	882	884	+ 2	39	37	—2	239	+23
Бўка	195	188	— 7	1322	1309	— 13	51	49	—2	340	+ 4
Ғалаба	354	350	— 4	2676	2257	—419	61	60	—1	390	—16
Калинин	179	176	— 3	1026	1119	+ 93	62	61	—1	386	+62
Коммунистик	288	281	— 7	1853	1955	+102	65	64	—1	440	—42
Оржоникидзе	195	181	—14	1187	1224	+ 37	60	56	—4	377	+53
Паркент	125	117	— 8	716	754	+ 38	60	56	—4	359	+40
Пискент	188	181	— 7	1185	1249	+ 64	57	55	—2	379	+16
Ўрта Чирчиқ	160	159	— 1	889	981	+ 92	49	49	—	300	—26
Тоқкент	237	253	+16	1511	1521	+ 10	76	81	+5	485	+43
Чиноз	380	349	—31	2580	2513	— 67	87	78	—9	537	+30
Янгийўл	175	156	—19	1072	1051	— 21	60	54	—6	357	+70
Область бўйича:	3290	3174	—116	21050	21161	+111	60	58	—2	377	+22

Ҳозир чорва қишловини беталафот, уюшқоқлик билан ўтказиш, келгуси йил план топшириқларини мувaффақиятли бажаришга мустаҳкам замин яратиш ҳар бир хўжалик раҳбари ва мутахассиси, ҳар бир ферма ходими олдида турган энг муҳим вазифа ҳисобланади. Буни чуқур ҳис этаётган Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплексининг чорвадорлари ҳар қачонгидан ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу коллектив йиллик планни 15 декабргача бажаришга, 25 декабргача эса давлатга 10 минг тонна чўчқа гўшти топиришга аҳд қилган эдилар. Бошқача қилиб айтганда, чорвадорлар давлатга пландагидан 700 тонна, 1984 йилдагидан 1700 тонна кўп гўшт топиришни мўлжаллашмоқда.

Оржоникидзе районидаги Ильич номли паррандачилик бирлашмаси ҳамда Тошкент паррандачилик фабрикаси коллективлари ҳам йилни яхши натижалар билан якунламоқдалар.

Бўстонлиқ, Коммунистик, Оржоникидзе ва Чиноз районларининг колхоз-совхозлари давлатга гўшт сотиш бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Коммунистик ва Оржоникидзе районларининг хўжаликлари декабрь ойининг учинчи ўн кунлигида давлатга сут сотиш планини адо этишади. Паррандачилик фабрикалари эса ноябрь ойидаёқ давлатга тухум сотиш планларини бажариб қўйганлар. Паррандаборқарлар планга қўшимча равишда 50,8 миллион донадан кўпроқ тухум топширадилар.

Лекин Оҳангарон, Ғалаба, Пискент ва Янгийўл районларининг колхоз-совхозлари гўшт ва сут етиштириш ҳамда давлатга сотиш бўйича планларни уддалай олмаяптилар.

Оққўрғон, Бўстонлиқ, Бўка, Паркент районларининг кўпгина хўжаликларида сут харид қилиш бўйича планларни бажаришда анча қолоқликка йўл қўйилган.

Чорва қишлови бошлангандан буён ўтган икки ой мобайнида қатор районларда сут етиштириш, сигирлар маҳсулдорлигини оширишда бултургига нисбатан бир мунча ўсишга эришилди. Қорамолларнинг нобуд бўлиши ҳам камайди. Бекобод райони колхоз ва совхозларида ўтган йилга қараганда 119 тонна, Коммунистик районида 102, Калинин районида 93 тонна кўп сут соғиб олинди. Бироқ, Оққўрғон районида сигирлар маҳсулдорлиги ўртача 12 килограммга, сут етиштириш 62 тоннага камайтириб юборилди.

Бўка районида бултургидан 13 тонна, Чиноз районида 67, Янгийўл районида 21 тонна кам сут соғиб олинди.

Жойларда ем-хашакдан ҳамон оқилона, энг кўп самара олиниши таъминланадиган қилиб фойдаланиш чоралари кўрилмаяпти. Шунингдек, сут соғиб олишни кўпайтириш учун қулай иш шароитлари яратилиши тўғрисида ғамхўрлик қилинмаяпти.

Бўка райони колхоз ва совхозларида ем-хашак кўп ишлатилгани ҳолда ҳар бир сигирдан атиги 4,9 килограммдан, Оққўрғон районида 5, Оҳангарон, Паркент, Пискент ва Янгийўл районларида 5,5 килограммдан сут соғиб олинаётганлигини фақат шу билан изоҳлаш мумкин.

Бекобод райони колхоз ва совхозларида жамғарилган силосдан 1 ноябргача қолган қисмининг 48,3 процента, ҳашакнинг 21 процента, сенажнинг 46,4 процента ноябрь ойининг ўзида молларга едириб юборилганлиги жиддий текшириб чиқилиши лозим. Шу миқдорда ем-хашак сарфланганлигига қарамасдан бу районда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут 6—6,1 килограммдан ошмаяпти.

Оққўрғон райони, хўжаликларида чорва қишловининг аҳволини текшириш хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг ташкилотчилик ишлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатди. Райондаги Вотинцев номли колхоз кейнинги кунларда сут етиштиришни 190 килограммга, Куйбишев номли колхоз 79, Ҳ. Олимжон номли колхоз 77 килограммга камайтириб юборди.

«Коммунизм» колхозида текшириб чиқилган 108 бош соғин сигирдан 12 процента 1—3 килограммдан сут беряпти. Сигирларнинг 38 процентидан 3—5 килограммдан сут соғиб олинмоқда. Бу соғин сигирларни боқиш, уларни қўшимча соғишга, сигирлардан бир меъёрда бузоқ олинишини таъминлашга риоя этилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Вотинцев номли колхозда ҳам аҳвол шундай. Бу ерда 295 бош соғин сигирдан 133 таси текшириб кўрилди. Натижада уларнинг 32 процента, яъни 43 бошидан бир кечакундузда 1—3 килограммдан, 44,3 процента ёки 59 та сигирдан 4—6 килограммдан сут соғиб олинаётганлиги аниқланди. Фақат 6 бош сигир ёки текшириб кўрилган сигирларнинг 9 процентигина 8—12 килограммдан сут бермоқда. Рационда кўрсатилган ем-хашакларнинг миқдори 14,6 озуқа бирлигига тенг. Аммо сигирларга 9,6 озуқа бирлигига тенг ем-хашак бериляпти.

«Озод» колхозида соғин сигирларнинг рациони 25 килограмм силос, 8 килограмм пичандан иборат. Шу туфайли ҳар соғин сигирдан кунига атиги 4 килограммдан сут соғилмоқда. Подани урчитиб кўпайтириш талабга жавоб бермайди. 150 бош сигир ва 2 ёшдан катта бўлган 137 та ғунажиндан атиги 150 та бузоқ олинган. Бу мўлжалдагидан икки баравар камдир. Олинган бузоқларнинг иккитаси нобуд бўлди. 19 бош бузоқ эса мажбуран сўйиб юборилди. Натижада олинган наслнинг 85 процентигина сақлаб қолинди.

Охунбобоев номли колхозда ёш бузоқлар янада кўпроқ нобуд бўлмоқда. Колхоз комплексида олинган 176 та бузоқдан бештаси нобуд бўлди, 74 таси мажбуран сўйиб юборилди. Бу олинган наслнинг 44,8 процентини ташкил қилади. Яъни ёш бузоқларнинг фақат 55,2 проценти сақлаб қолинган.

Майдаланган 2870 тонна хашак шундайлигича молларга берилди. 20 ноябргача тайёр силоснинг 19,5 проценти сарф қилинган. Улар ҳам бошқа емлар билан аралаштирилмасдан шундайлигича молларга берилган. Бу эса озуқанинг кўп қисмини нушхўртга чиқариб юборяпти. Хўжаликларда АВМ агрегатлари бўлишига қарамасдан бу нушхўртлардан ўт уни тайёрлаш йўлга қўйилмаган.

Молларни турли ем-хашакларни қайта ишлаш натижасида тайёрланган аралаш ем билан боқишнинг самарадорлиги тажрибада кўп марта синаб кўрилган. Коммунистик районидаги «Правда» колхозида озуқа тўғри тайёрланиши туфайли 1 центнер сут олиш учун сарфланаётган озуқа бирлиги 1,4—1,6 центнердан ошмайди. Соғин сигирлардан мунтазам равишда кунига 8—9 килограммдан сут соғиб олинади.

Аммо Бекобод районида дағал хашакнинг атиги 1 процента аралашма ем тайёрлаш учун ишлатилган. Бўка районида бу кўрсаткич 0,8 процентни, Калинин районида 0,6, Пискент районида 0,5 процентни ташкил этади.

Чорва қишловини ўтказишдаги камчиликларни бартараф этиш учун шошилинч чоралар кўрилмоғи зарур. Мавжуд емхашак ресурсларидан самарали фойдаланиб, сигирлар маҳсулдорлигининг камайишига йўл қўймаслик чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришни таъминлаш лозим.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги республика партия-хўжалик активи мактабида биринчи машғулот бўлиб ўтди. Марказий Комитет 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари материалларида, КПССнинг съездолди ҳужжатларида баён этилган КПССнинг стратегик йўли ва сиёсатини ўрганиш шу ўқув йилининг асосий мазмунидир.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти илмий коммунизм бўлимининг мудири фалсафа фанлари доктори, профессор П. П. Лопата «КПСС Программасининг лойиҳаси — ижодий марксизм-ленинизмнинг энг муҳим ҳужжати» мавзуида лекция ўқиди.

Машғулотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, О. Ў. Салимов, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

XXVII СЪЕЗДОЛДИ МИНБАРИ

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини муҳокама қиламиз

ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ—ҲАМКОР

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ КАБИНЕТИДА

РАЙОН партия комитети биносидаги ихчамгина зал-ларнинг биридан ўрин олган турли жиҳозлар, асбоблар, препаратлар, ўсимлик ва пахта навлари, лойиҳаларнинг нусхалари, кичрайтирилган қурилмалар, саноат корхоналарининг маҳсулотлари, энг янги техника намуналари — сўнгги йиллар ичида фан-техника равнақи борасида эришилган ютуқларнинг ёрқин тимсоли сифатида киши эътиборини ўзига тортади. Владимир Ильич Ленининг совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ «Кимда қудратли техника, уюшқоқлик, интизом ва энг яхши машиналар бўлса, шунинг қўли баланд келади» деб башорат қилган сўзлари кабинет пештоқига ёзилган.

Фан-техника ривожига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор ортган, у сифат жиҳатидан ҳам, суръат жиҳатидан ҳам жадаллик билан ўсиши шарт қилиб қўйилган ҳозирги даврда бу сўзлар янада алоҳида мазмун касб этмоқда.

Биз район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори С. С. Ҳикматов билан кабинетни айланар эканмиз, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шу район территориясида жойлашган қатор институтлари, тармоқ илмий муассасалар, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотлари, саноат корхоналарининг ютуқлари кенг намойиш қилинганлигининг гувоҳи бўламиз.

Кўргазмалардан бири республика Фанлар академиясининг **«Кибернетика»** илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига бағишланган. Бирлашма олимлари тадбиқ этган **«мантиқий анализатор»** олдида тўхтаймиз. Ҳажм жиҳатидан ёзув машинасидек келадиган бу прибор электрон ҳисоблаш машиналардан ўтадиган кўплаб ток каналларини бир вақтнинг ўзида текшириб бера олади. Бу эса илгари 36 киши бажарадиган ишни ҳозир бир кищи бемалол бажара олишига имкон яратди. Прибор мамлакат илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа муассасаларга дадил йўлланма олди.

Республикамиз фанлар академиясининг **ядро физикаси институти** олимларининг фундаментал тадқиқотлари бугунги кунда мамлакатимиздан ташқарида ҳам машҳур. Улар яратиб берган радиоактив изотоплар мамлакатимиз халқ хўжалигида кенг қўлланмоқда.

Кўргазмадан жой олган республикамиз фанлар академияси **электроника институти** олимларининг янгиликлари ҳам эътиборга лойиқдир. Улар жуда тез кунларда етиладиган **«АН-Чиллаки-1»** типидаги пахта навини яратдилар. Сифати ва толаси жиҳатдан бошқа энг яхши навлардан қолишмайдиган пахтанинг бу тури республикамиз хўжаликларига йўлланма олди. Кабинетда институт тадқиқотчиларининг **кучланишлар импульси генератори, ярим ўтказгичли материалларни альфа нурлантириш аппаратураси, энг қаттиқ материаллар ва эритмаларни қайта ишлайдиган электрон эрозия станоги** билан боғлиқ приборлар ҳам ўрин олган.

Кейинги йиллар ичида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти чўл зоналарини ўрганиш бўйича катта самараларга эришди. Олимлар тадқиқ этган изень ўсимлиги захни қочириш билан биргаликда чорвачилик озуқа базасини яратишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Экспонатлар қаторидаги бежиримгина ойнаванд витрина ичида катталиги олмадеккина асфальт бўлаги ҳам бор. Унга оқ бўёқ билан учта бир хил қалинликдаги чизиқ тортилган. Қизиқиб томоша қилаётганлигимизни кўрар экан, ҳамроҳимиз тушунтирди:

— Йўл қурилиши илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиалида яқинда оқ бўёқнинг бошқача тури яратилди,— деди у.— Илгари автомобиль йўллари, пиёдаларнинг ўтиш жойидаги полосаларни бўяшда килоси бир сўм турадиган бўёқдан фойдаланиларди. Янги бўёқнинг бир килограмми эса 10 тийин туради, сифат жиҳатдан бир сўмлик бўёқдан қолишмайди. Агар мамлакатимиздаги ҳамма йўлларни ҳисобга оладиган бўлсак бу қанчалик самара беришини тасаввур этиш қийин эмас.

Яқин йиллар ичида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси пахтакорларга тортиқ қиладиган герметик кабинага эга бўлган тракторлар, экскаватор заводида яратилган, иш унуми ҳозиргиларидан 2—3 баравар юқори бўлган **экскаваторларнинг намуналарини** ҳам бу ерда кўриш мумкин.

Тармоқ илмий муассасаларидан бири, В. Д. Журин номли Ўрта Осиё илмий-текшириш ирригация институти олимлари чўл ва сахроларни сув билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш йўлида кўп йиллардан бери ишламоқдалар. Кабинетда улар яратган **сув билан таъминлаш қурилмаси** кичрайтирилган ҳолда кўрсатилган. Кнопка босилиши билан артезиан қудуқларга ўрнатилган узун трубалар оби-ҳаётни юқорига баравар узатадилар. Сув бетон каналлар орқали бепоён чўллар бўйлаб оқади. Боғ-роғларга, экинзорларга ҳаёт бағишлайди.

— Кабинетни шунчаки кўргазма учун ташкил этганимиз йўқ,— дейди Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари, фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи район кенгашининг раиси Николай Иванович Емельянов.— Кабинет фан билан ишлаб чиқаришни амалда бир-бири билан боғлайдиган ўзига хос ўрганиш ва тезда қўллаш лабораторияси бўлиб қолади. У эндиликда бойиб боради, экспонатлари эса янгиликлар ҳисобига ўзгариб туради.

Район партия комитети ҳузуридаги бу кабинетнинг ташкилотчиларидан бири, фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашнинг илмий раҳбари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг директори Омон Ҳикматович Ҳикматовдир. У бизга кабинет илмий ютуқларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш, тадқиқотлар такрорийлигига чек қўйиш, майда темачиликка берилиб кетишни бартараф этишда муҳим роль ўйнаши ҳақида гапириб берди.

Шундай қилиб Куйбишев районида мавжуд илмий потенциалдан оқилона фойдаланишга киришилди. Бу қудрат эса жуда катта: 28 илмий тадқиқот институти, 10 та лойиҳалаш ва 3 та конструкторлик ташкилоти, 7 та олий ўқув юртидан иборат. Районда 9 минг нафар юксак малакали илмий ходим ишлаб турибди. СССР Фанлар Академиясининг академиги, СССР Фанлар академиясининг икки нафар мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 19 нафар академиги ва 37 нафар мухбир-аъзоси, 256 нафар фан доктори, 1710 нафар фан кандидати фаолият кўрсатмоқда.

Фан-техника прогресси кабинети ана шу илмий кучларнинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашда белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлидаги дастлабки қадамдир.

С. ҲАСАНОВ.

ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Партия мамлакатнинг фан-техника потенциалини тағин ҳам ўстириб бориш ва самарали ишлатишга, экономикани интенсивлашда катта, революцион ўзгаришлар қилиш учун янги-янги имкониятлар очиб берувчи илмий-тадқиқотларни авж олдиришга бутун чоралар билан кўмаклашади. Ҳамма ерда ишлаб чиқаришга, бошқарувга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва турмушга фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишни таъминлаш лозим бўлади, Фан батамом бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланади.

(КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасидан).

● ФАН-ТЕХНИКА прогресси кабинетидаги кўргазмалардан ҳар бир киши (юқорида) бой илмий маълумот олиши мумкин; бу приборлар (пастда) қўл меҳнатини бир неча бор енгилатишидан ташқари, ишлаб чиқаришда юксак самара бермоқда.

Т. Каримов фотоси.

ҚЎЙЧИЛИККА ихтисослашган Келес массивидаги бу хўжалик чорвадорлари беш йилликни барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунладилар. Давлатга гўшт, жун сотиш ва қўзи олиш планлари ортиғи билан бажарилди. Бундай муваффақиятга ишлаб чиқаришга илғорлар тажрибаси, фан ютуқларини кенг жорий этиш, яйловлар самарадорлигини ошириб, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, чорвага меҳр ва ихлос қўйиш туфайли эришилди. Совхоз директори, республикада хизмат кўрсатган чорвадор, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Аббосхўжа Бакиров бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— ДЕЙДИЛАРКИ, касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Энг муҳими инсон қайси соҳада ишламасин шу соҳанинг жонкуяри, фидойиси бўлиши, касбини ардоқлаши, меҳр билан, ихлос билан ишлаши керак. Чўпонлик, айниқса, масъулиятли, шарафли ҳамда завқли касб деб ҳисоблайман. У элни едиради, кийдиради. Ана шу масъулият ҳисси йил — ўн иккинчи ой унга тинчлик бермайди. Кузу-қишнинг аччиқ изғиринлари, ёзнинг жазирама саратонларига бардош бериб яйлов кезади.

Мен 47 йиллик фаолиятимда шунга иқрор бўлдим: чўпон ғоятда иродали, қатъиятли бўлсагина мақсадига эришади. У ҳеч вақт қийинчиликлардан чўчимаслиги, нолимаслиги керак. Ҳамиша одамлар, тажрибакорлар билан мулоқотда бўлиши, фойдали маслаҳатларини тажрибаларини эшитиб-ўрганиб, улардан ўз ишида омилкорлик билан фойдаланиши керак. Ана шунда унга омад ёр бўлади.

Бирон йил бўлган эмаски, қишлов енгил-елпи кўчган бўлса, 1949, 1957, 1969, 1972 йилларда ҳам қишнинг қаттиқ келиши кўпларни шошириб қўйган эди. Ўтган қишда эса 125 кун давомида ердан қалин қор аримади. Совуқ шамол эсиб турди. 37 градусга кўтарилган аёзда ишлаш осон бўлмади, албатта. Лекин, чўпонларимизга, мутахассисларимизга, ҳамма ишчиларимизга минг раҳмат. Улар қалб қўрларини ишга солдилар. Кучғайратларини жамлаштирдилар. Ниҳоятда мардонаворлик, хушёрлик, синчковлик билан меҳнат қилдилар. Ҳар куни қўйларга 120 тоннадан хашак майдалаб бериб турилди. Шундай қилиб қишловни муваффақиятли якунладик.

Совхозимиз меҳнаткашларининг ютуқларини кўлайтириш соҳасидаги ишлари ажойиб самаралар берди. Ўн биринчи беш йиллик планларини ҳамма тўрлар бўйича бажардик. Шу беш йилликда мол бош сони мўлжалдаги 45 минг ўрнига 46 минг бошга етди. Пландаги 81 минг 200 бош ўрнига 97 минг 800 бош қўзи олинди. 2690 тонна ўрнига 3335 тонна гўшт, 326 тонна ўрнига 390 тонна жун сотилди.

Биз 1985—1986 йилги қишловни якунлагач, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили планини ҳам ҳамма соҳалар бўйича бажарамиз.

Совхозимиз 21 йил мобайнида бирон йил ҳам давлатдан қарздор бўлмади. Бу беш йилликда 2 миллион сўм соф фойда олдик.

Олимлар, тажрибакорлар билан ҳамкорликда озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. 6 минг гектар ерда сувсизликка чидамли изензорлар барпо этилди. 16 минг гектар қумли яйловларга жузген, терискен, қуёнсуяк ўтларининг уруғи сепилиб, кўпайтирилди. Яйловзорлар самарадорлиги ортди.

Бу йил партия ва совет ташкилотларининг катта ёрдами туфайли чўпонларга ғамхўрлик кўрсатиш юзасидан бир мунча ишлар амалга оширилди. Янги яйловларда 30 та типовой қўра, чўпонлар учун уйлар қурдик.

Қишловга етарли миқдорда хашак ва бошқа озуқалар жамғариб қўйганмиз.

Қўйни яхши боқсангиз ўзидан-ўзи кўпаяди. Ёмон боқсангиз нобуд бўлиб, камаяди. Чўпонларимиз буни яхши биладилар. Шунинг учун ҳам ҳисоб-китоб билан иш юритаяпмиз. Ҳар бир қўй бошига икки центнердан хашак тайёрланган. Ҳозирги кунда бу хашаклардан тежаб фойдаланилаяпти. Ҳаво очиқ келган кунларда қўйлар яйловда ҳайдаб боқилмоқда.

Биз ҳар йили қишлов олдидан чўпонлар билан кенгашиб оламиз. Бу кенгашда мусобақа шартлари ишлаб чиқилади. Чўпоннинг масъулияти ҳақида алоҳида сўз боради. Чунки, қишловнинг беталофат ўтиши асосан чўпоннинг ўз ишига садоқати, масъулиятига боғлиқдир. Агар чўпон ўз касбига меҳр қўйиб, ихлос билан ишласа сира чиқит бўлмайди. Бизда бундай чўпонлар кўп. Лекин, баъзи чўпонлар қўйларни бола-чақасига ишониб, топшириб қўйган дамлар ҳам учрайди. Бундай чўпон ўзи молдан хабарсиз қолади. Ваҳоланки, қишда тун жуда узоқ, кун қисқа бўлади. Бу даврда қўй ва қўзиларни тўйимли рацион билан боқиш, қўрани қордан вақтида тозалаб туриш зарур. Акс ҳолда қўйлар 16 соат мобайнида қўрада ётиб қолиши мумкин.

Тадбиркор чўпон қишлов тугаши биланоқ келгуси қишлов ҳақида ўйлаши керак. Унинг фикри-ёди қўйларни қишга семиз ҳолда олиб кириш билан банд бўлиши зарур. Бу ишда икир-чикир йўқ. Масалан, ёз даврида қўй ва қўзилар фақат қудуқ сувини ичиши шарт. Бу сув жуда фойдали ва муздай бўлади. Бундай сувни ичган қўй-қўзиларнинг чанқови қониб, танаси яйрайди, еган овқати тез сингади.

Афсуски, айрим раҳбарлар ва мутахассислар бу масалага унчалик эътибор бермайдилар. Қудуқ етишмайди, деган баҳоналар билан 20—30 километр жойга машинада сув ташиб келиб цистерналарга қўйишади. Бундай пайтда сув табиийки, жазирама офтобда қолиб исийди. Бу сувни ичган қўй-қўзиларнинг чанқови қонмайди. Аксинча, иссиқ сув ва иссиқ ҳарорат натижасида қўзиларнинг ўпкаси эриб, қобирғасига ёпишиб қолади. Кўринишдан соғломга ўхшаб туюлгани билан бундай қўй-қўзилар қишнинг биринчи совуғига чидамасданоқ касалланиб, нобуд бўла бошлайди. Дори-дармон билан уни сақлаб қолиш мушкул. Бунинг учун ким айбдор. Албатта, гуноҳкори чўпон. У ялқовлик қилганлиги, молга яхши қарамаганлиги учун шундай аҳвол юз беради.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, қўйларни бутун ёз давомида қишга тайёрлаб бориш керак. Яхши ўтлоқ, яйловларда ҳайдаб боқиш, кузда намунали парвариш қилиш, ҳар бир қўйда камида 6—7 килограмм мой бўлишини таъминлаш зарур. Ота-боболаримизнинг шундай нақли бор: семиз-семизнинг таги саккиз, ориқ-ориқнинг орти сувга кўрик.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида чорвачиликни ривожлантириш масалаларига ҳам ғоят катта эътибор берилган. Лойиҳада «Қўйчилик ва гўшт чорвачилигини ривожлантириш учун табиий озуқа майдонлари имкониятларидан фойдаланилсин», деб жуда тўғри таъкидланган.

Бу имкониятлар чексиз деб ҳисоблайман. Улардан фойдаланиш учун бир қатор муаммоларни ҳал этиш талаб этилади. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлигининг яйловларни мелиорациялаш ишлари билан шуғулланадиган бошқармаси ёрдамини яхши сезмаяпмиз. 22 йил давомида совхозимизда уларнинг кўмаги билан бирорта ҳам қудуқ қазиб берилмади. Демак, яйловлар самарадорлигини ошириш учун алоқадор ташкилотлар ўз фаолиятларида кескин бурилиш ясашлари керак. Мен ана шуни назарда тутиб Лойиҳада яйловларда қудуқ қазиш ишларини такомиллаштириш ва бунда тегишли министрликлар, бошқармалар, идоралар ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш масаласига ҳам эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ҳисоблайман. Ана шунда қўйчиликни янада ривожлантириш истиқболлари очилган бўлар эди.

Совхозимиз чорвадорлари партиямизнинг, халқимизнинг ишончини амалий иш билан оқлаш учун бундан буён ҳам астойдил курашадилар. Биз ўзимизнинг тажрибамиз, маҳоратимизни тўла ишга солиб, қишловни муваффақиятли якунлаш, чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида яхши натижаларга эришиш учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

МЕҲР БИЛАН, ИХЛОС БИЛАН

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ СОВХОЗНИНГ ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТАЖРИБАСИДАН

Халқаро ҳаёт

САМАНТА СМИТГА ЁДГОРЛИК

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Қўлидаги оқ кабутарни учириб юборяётган, қувончи чеҳрасидан шундайгина кўриниб турган, ўзи ҳам қўлидаги қўшдек парвоз қилишга талпинаётган қизча... америкалик мактаб ўқувчиси Саманта Смит образини унинг юртдоши, Мэн штатидан хайкалтарош Гленн Хайнс бронзада шу тарзда абадийлаштирмоқчи. Ҳозир эса Гленн Саманта ёдгорлигини бунёд этиш устида ишламоқда. Бундай ёдгорлик ўрнатиш ташаббусини Оберн шаҳри жамоатчилиги кўтариб чиқди. Маълумки, Саманта ана шу шаҳар аэропортида фожиали ҳалок бўлган эди. Аввало,— деб ҳикоя қилади ҳайкалтарош,— Самантанинг бир метр келадиган ҳайкалини гипсдан тайёрлаймиз. Ёдгорлик Оберн шаҳрининг савдо марказида 17 декабрь куни тантанали равишда очилади. Шундан кейин Самантанинг бронзадан ясаладиган ҳайкали учун маблағ тўплаш кампаниясини бошлаб юборамиз.

Совет Иттифоқида Самантамиз хотираси эъзозланаётганлигидан биз жуда хушнудмиз. Совет кишиларига америкаликлар, айниқса, бизнинг штатимизда яшовчи кишилар ишонадилар. Биз совет халқи билан тинчликда яшаб, дўст бўлишни истаймиз. Бунинг учун эса биз бир-биримизни яхши билишимиз керак. Саманта эса ана шу йўлда биринчи бўлиб катта қадам қўйган эди. У кўпчиликни ғафлат уйқусидан уйғотгандай бўлди. Шунинг учун ҳам, биз ундан миннатдормиз ва Саманта хотирасини доимо ёдда тутамиз.

Р. РЕЙГАН НУТҚИ

ВАШИНГТОН, 5 декабрь. (ТАСС). АҚШ президенти Р. Рейган Мэри-Ленд штатидаги Фоллстон шаҳрида нутқ сўзлаб, унда яна олий даражада Женевада ўтказилган Совет-Америка учрашувининг якунларига тўхталиб ўтди.

Америка маъмуриятининг бошлиғи КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан узоқ давом этган бир қанча учрашувлар ўтказганлигини эслатиб ўтди. «У менга қатъий инсон, лекин шу билан бирга қулоқ солишга ҳам тайёр инсон бўлиб кўринди, деб таъкидлади президент.— У СССРда мавжуд системага астойдил содиқдир. У ана шу системага ишонади ва унга умид боғлайди».

Сўнгра президент «ядро урушида ғолиб чиқиш мумкин эмас ва бундай урушни ҳеч қачон олиб бориш керак эмас», деган гапни такрорлади.

Р. Рейган СССР билан АҚШ ўртасидаги мавжуд ишончсизликни бартараф этиш ва қуролсизланиш соҳасида амалий тадбирларга киришиш учун сўзларнинг ўзигина кифоя эмаслигини эътироф этди. Шу билан бирга президент Вашингтонда «стратегик мудофаа ташаббуси» (СМТ) деб аталаётган космик фазони ҳарбийлаштириш режаларига содиқ бўлиб қолаётганлигини тасдиқлади.

Р. Рейган ўз нутқида Совет Иттифоқини унинг ибораси билан айтганда «ҳарбий жиҳатдан «биринчи» бўлиш»га интилмоқда, деб айблашга ҳам уринди.

Америка маъмуриятининг бошлиғи Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида маданият, маориф, фан ва техника соҳасида икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига катта эътибор берди.

МЕКСИКА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● МЕХИКО. Мексика президенти Мигель де ла Мадрид Женевада олий даражадаги Совет—Америка учрашувидан мамнуният изҳор қилди. СССР билан АҚШ ўртасидаги энг юксак даражадаги мулоқот қайта тикланди ва бундай мулоқотни қўллаб-қувватлашга қарор берилди, деди у бу ерда чиқадиган «Эксельсиор» газетасининг мухбири билан суҳбатда. Бир-бирларининг ҳузурига визит билан бориш, пассажир авиа алоқасини қайта тиклаш, маданий алоқаларни кучайтириш тўғрисида ҳам аҳдлашиб олинди. (ТАСС).

ЯДРО СИНОВЛАРИНИНГ ЖАБРДИЙДАЛАРИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Таниқли Америка сенатори Алан Крэнстон (Калифорния штатидан, демократ) Тинч океандаги Бикини ороли районида 1946 йилда АҚШ ўтказган ядро синовларининг ўша ерда бўлган Америка ҳарбий хизматчилари соғлигига таъсири натижаларини холисона текшириб чиқишни президент Рейгандан талаб қилди. Конгресс бош ҳисоб-китоб бошқармаси яқинда эълон қилган докладида ўша портлатиш чоғида, ҳукумат буни қанчалик хас—пўслашга уринмасин, ҳарбий хизматчиларнинг анчагина қисми соғлиқ учун хавфли бўлган радиация таъсирига гирифтор бўлганлар. Докладда келтирилган ана шу энг асосий хулоса туфайли сенатор бояги талабни илгари сурди.

«Кроссроудз» операцияси чоғида, дейилади ҳужжатда, 1946 йилнинг июль ойида Бикини ороли районида иккита ядро синови ўтказилган эди. Портлатиш эпицентрига яқинроқ жойларда АҚШнинг 42 минг солдати ва денгизчиси бор эди.

1945 йилдан 1963 йилгача Қўшма Штатлар атмосферада жами 235 та ядро синовини ўтказди. Ана шу кенг миқёсдаги программа хавфли қуролланиш пойгасини зўр бериб тезлаштирибгина қолмай, жуда кўплаб америкаликлар ёстиғини қуритиб, улар бошига қанчадан-қанча қулфатлар солди. 1963 йилдан бошлаб АҚШ ер ости ядро синовларини ўтказмоқда. Бунинг устига, яқинда ҳар қандай ядро портлатишларини тўхтатиб қўйишга қарор қилган Совет Иттифоқидан ибрат олишни Вашингтон рад этмоқда.

● ЖАНУБИЙ Африканинг турли районларида ирқчиликка қарши чиқишлар яна кучайиб кетди. ЖАРдан олинаётган хабарларга кўра, Куинстаун ва Питрусвилл, Тембис, Иоханнесбург шаҳарлари, бошқа аҳоли пунктларида жазо отрядлари билан ирқчиликка қарши курашаётганлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтган. Суратда: жазо отряди билан тўқнашув қурбони.

АП—ТАСС телефотоси.

Редакция почтасидан

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

КОРХОНАМИЗ ишчи-хизматчилари КПССнинг съездолди тарихий ҳужжатларини зўр қизиқиш ва қониқиш билан ўрганмоқдалар. Коммунистлар КПССнинг таклиф этилаётган ўзгартишлар билан Устави лойиҳаси партия ташкилотларида уюшқоқликни янада кучайтиришга, коммунистларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидламоқдалар.

Мен ҳам барча коммунист касбдошларим қатори Устав лойиҳаси билан танишар эканман, унга бир қўшимча киритиш фикри туғилди. Устав лойиҳасининг олтинчи қисмидаги 56-бандидаги **«Партия аъзолари ва аъзолигига кандидатларнинг сони 300 дан ортиқ бўлган йирик корхоналар ва муассасаларда, зарур ҳолларда эса ишлаб чиқариш хусусиятларини...»**, сўзларидан кейин унга янада ойдинлик киритиш учун, **«...кўп сменали ёки ишнинг тўхтовсиз давом этишини...»** деган қўшимча сўзлар билан жумлани давом эттириш айни муддао бўларди. Бу ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олишга аниқлик киритган бўларди.

А. ҲОШИМОВА,
«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг ўраш машинаси машинисти, КПСС аъзоси.

* * *

БИЗНИНГ зиммамизга ғоят масъулиятли вазифа — шаҳар аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб туриш юклатилган. Лекин баъзида ўзимиз етиштирган маҳсулотларни шаҳардаги савдо дўконларида кўриб ҳайрон бўлиб қоламиз. Кўзларимизга ишонгимиз келмайди. Наҳотки бу маҳсулотлар бизга тегишли бўлса, ғоят сифатсиз-ку. Шунинг учун харидор қиё боқиси келмайди.

Ана шунда ўйлаб қоламиз. Йил бошида савдо ташкилотлари билан шартнома тузилади. Лекин ана шу шартномаларнинг ҳамма бандлари ҳам тўла-тўкис бажарилмайди-да. Деҳқонларимиз етиштирган мева-чева, сабзавот даладан ўз вақтида олиб кетилмайди. Узоқ вақт бир ерда қолиб кетади. Бунинг учун ҳар хил баҳоналар рўкач қилинади. Оқибатда сабзавотнинг сифати бузилади. Шунинг учун ҳам СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида «колхоз ва совхозларнинг қайта ишлаш саноати, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари билан бевосита алоқалари активроқ ривожлантирилсин. Шартнома мажбуриятларини бажаришда тайёрлов ташкилотлари ва хўжаликларининг ўзаро масъулияти оширилсин» деб жуда тўғри айтилган. Бу фикрга биз тўла қўшиламиз. Лекин қарс икки қўлдан, деган гап ҳам бор. Шунинг учун ана шу жумлалар ёнига **«хўжаликларда маҳсулотнинг сархил ва сифатли бўлиши ҳамда бу маҳсулотларнинг истеъмолчиларга ўз вақтида сифатли етказиб берилишини гарантиялайдиган тадбирлар амалга оширилсин»** деган сўзларни қўшиб қўйишни таклиф қиламан.

А. АБДУХОЛИҚОВ,
Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз раиси.

ИНСОН ВА ҚОНУН

САҲИФА № 5

- ТАРБИЯ МАСКАНИ СОФ БЎЛСИН
- ПОСТДА СЕРГАК АКА-УКА
- «ЎЛИК ЖОНЛАР» ПАНД БЕРДИ
- ИЧКИЛИКБОЗЛИК — ЖАМИЯТИМИЗГА ЁТ ИЛЛАТ

УЧАСТКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЭЛГА НАФИНГ ТЕГСА...

АЗИЗ Тўйтепада «ўз территорияси» бўйлаб юрар экан, Калинин кўчасига бурилди. 47-уйда яшовчи Юнус Тиниқов хонадонига ров кириб ўтиш хаёлига келди. Бир неча кун олдин Юнус жамоат жойида ичиб юрганида у маъмурий жазога тортилган эди. Ўшанда у қилмишидан пушаймон бўлиб, кечирим сўраганди. Хўш, энди у сўзининг устидан чиқдимикан, ичмаяптимикан?..

Эшикни Юнуснинг онаси очди. Азизни кўриб табассум билан ичкарига таклиф қилди. Азиз узр айтиб, ўғли ҳақида сўради. Она мамнун бўлиб, ҳозир ўғли ичкиликни оғзига олмаяпганини, Нариманов шаҳридаги мотор заводида пайвандчи бўлиб ишлаётганини айтди. Азиз ҳам онанинг ҳурсандчилигига шерик бўлди.

Хурсанд бўлмайдими, ахир. Бир ёш инсоннинг тўғри йўлни танлаб олишида, ичкиликбозликдек ярамас одатни ташлашига ҳисса қўшди.

А. Башатов Армия хизматидан кейин милиция ходими бўлишни танлаганидан хурсанд. У мана беш йилдирки, шахсий составда энг яхши ходим сифатида танилди. Бўлимдагилар ҳам коммунист Азиз Башатовнинг намунали хизматини ҳисобга олиб, унга катта ишонч билдиришди. Дастлаб оддий ходим сифатида фаолиятини бошлаган йигит кейинчалик пост-патруль хизмати командири қилиб тайинланди.

... Баҳор кунлари эди. Тўйтепа автовокзалида бир шубҳали киши қўлидаги чемодан билан у ёққа борди, бу ёққа келди. Унинг кўзлари олазарак эди. Азизда шубҳа уйғонди.

— Туран ака, кўряпсизми ўша кишини. Кўзи алланечук бошқача, шубҳам бор,— деди Азиз участка инспектори Т. Халменовга.

Шубҳали одам холис кишилар иштирокида тинтув қилинди. Чемодандаги нарсалар ўғирланган бўлиб чиқди. Ким Пен Хва номли колхознинг Тўйтепага яқин участкасидан Ольга Ким ховлиқиб югуриб келиб, уйидаги уста уни тунаб кетганлигини хабар қилмоқчи эди. Лекин у оператив пунктда ўша уста ерга қараб ўтирганини, стол устида эса ўз буюмларини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди...

Акасининг ишидан завқланган, унга ҳаваси келган Ализар ҳам ҳозир бўлимда милиционер бўлиб ишламоқда. Ўрта Чирчиқ район Ички ишлар бўлимида ҳам, район аҳолиси ўртасида ҳам Ҳасан-Ҳусандек бир-бирига ўхшаш бу ака-укалар яхши ишлари билан эътибор қозонишган.

У. ҲАМИДОВ,
Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетасининг ходими.



Суратда: ака-ука Азиз ва Ализар Башатовлар.
АВТОР фотоси

НИМА УЧУН

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ МУТАСАДДИЛАРИ ҲИБСГА ОЛИНДИ?

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида партия жамиятимизга ёт бўлган иллатлардан бири бўлмиш порахўрликка изчил ва қатъият билан барҳам беришга биринчи даражали эътибор беради, деб таъкидланган. Зеро, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳам бу ярамас иллатга қарши аёвсиз ўт очди.

Лекин шунга қарамай, минг хил найранглар билан ана шу ўтдан четлаб ўтаман ёки сувдан қуруқ чиқаман, деб ўйлаётганлар ҳамон учраб турибди. Уларнинг бу хомхаёллари эса бугун бўлмаса эртага, албатта, пучга чиқади ва ўзларини адолат «қопқон»ида кўрадилар.

Унда... кеч бўлади. Ҳа, жуда кеч бўлади. Ҳар қанча типирчиламасин, қопқон уни қўйиб юбормайди — нопоклар учун совет қонунининг панжалари жуда мустаҳкам. Ана шунда, найрангларнинг бирортаси ҳам қўл келмайди. Кечагина уни қўллаб-қувватлаб юрган «ишонган тоғ»лар ёрдамга кела олмайди. Улар ҳам ўзини қуруқ-қа олиб қочишга ҳаракат қилиб қолишади.

...Алла Андреевна Кортикова айнан шундай бўлмасада, тахминан шунга ўхшаш вазиятга тушиб қолди. Шу пайтгача, аниқроғи, 1985 йилнинг 24 августигача Алла Андреевна Оржоникидзе район халқ маорифи бўлимида айтгани айтган, деганидеган ходимлардан эди. Обрў-эътибор жойида, гап-сўзлари шахдам, виқор билан юрганида РайОНО йўлагида дуч келган унча-мунча одам четлаб йўл бўшатиб турарди. Минг афсуски, унинг обрў-эътибори қўланса ҳаво билан тўлдириб шиширилган пуфак бўлиб чиқди. 24 август куни бу пуфак пақ этиб ёрилди. Яъни шу куни А. Кортикова ҳибсга олинди.

Ким ўзи у, нима иш қилиб қўйди?

Алла Андреевна Кортикова РайОНОда бирнеча йилдан бери мактабгача тарбия бўйича методист бўлиб ишлар эди. Ва бир неча йилдан бери таъмагирлик ва порахўрлик билан шуғулланиб келарди.

Ҳозир А. Кортикова устидан олиб борилган тергов ишлари тугади, айбнома ёзилди. Одатда бундай воқеа ҳақида суддан кейин ёзилгани маъқул. Бироқ, бизни ҳозир порахўрнинг қанақа жазога маҳкум этилиши қизиқтирмайди. Жазо олиши эса муқаррар. Бизни фақат бу хунук фактнинг маънавий томони ташвишлантирмоқда. Маънавий томони шундаки, Алла Андреевна жамиятимиздаги энг нозик кичкина бир участкага — келгуси авлодни тарбиялашдек масъул бир вазифага ишга тайинланган эди. Айниқса республикамиз ижтимоий ҳаётида рўй бераётган софланишлар, поклашишлар даврида бу участкада ниҳоятда покизалик билан иш юритиш тақозо этиларди.

Афсус, А. Кортикова буни заррача ҳис этмади, таъмагарлик ва порахўрлик учун қураш авж олган айни бир пайтда тарбия масканлари бўлмиш болалар боғчалари ва яслиларга раҳбарлик лавозимида ишлаб туриб, совға ва пул шаклида пора олиш билан шуғулланди.

Нимани эвазига? Ноқонуний равишда мактабгача тарбия муассасаларига болаларни жойлаштириш яъни навбатини ё олдинроққа суриш ёки... боғча мудирлиги лавозимига ишга тайинлаш эвазига! У айрим одамларни маълум «ҳақ» билан мудирликка тайинлаб қўйганидан кейин ҳам тинч юролмасди. Ҳамон таъма қилаверарди. Мудира эса унинг шамасига эътибор беришга, таъмасини қондиришга мажбур эди. Ахир Алла Андреевна унинг раҳбари-ку! Йўқса, «фаросатсиз» мудиранинг ишидаги камчиликларни рўкач қилиб, мажлисларда танқид қилиши ва ҳатто жазолаши мумкин. Қилдан қийиқ ахтарганда эса камчилик топилаверади.

Хўш, мудира методистга берадиган «совға-саломларни», тўғрироғи уларни харид қилишга пулни қаердан олади? Албатта, маошидан чегириб сарфламайди. У ҳам Алла Андреевнага ўхшаб «келадиган йўллари»ни ахтаради. Излаган одам топади. Шу райондаги 14-болалар боғчасининг мудираси Шаҳодат Авазматова ҳам «топди».

Бу кишилар вазифаларини суиистеъмол қилиш йўли билан порахўрлик қилишди, улар Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан ўз қилмишлари учун жавоб бердилар.

Бироқ, гап фақат жавоб беришу жазоланишдами? Шу билан ҳаммаси тугайдими? Йўқ. Мактабгача тарбия муассасаларида рўй бераётган бундай ярамас ҳолатлар ҳар бир кишини жиддий ташвишга солиши керак. Чунки, инсон болаликдан бошланади, ўша порахўр боғча мудиралари бизнинг, ҳар биримизнинг болаларимизни тарбиялайди. Демак, улар келажакни тарбиялайди. Виждони, имони носоғ бўлган одамга қандай қилиб келажак тарбиясини ишониб топшириб қўйиш мумкин?..

Албатта, бундан ҳамма боғча мудиралари ҳам ана шунақа таъмагир ва порахўр деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Ўз ишига сидқидилдан, виждонан муносабатда бўладиган, болаларни ўз фарзандларидек севадиган, бор билими ва тажрибасини уларнинг ажойиб тарбиясига бағишлайдиган мудиралар, тарбиячилар сон-саноқсиз. Шу билан бирга А. Кортиковага ўхшаш боғча «раҳнамолари», Ш. Авазматовага ўхшаш мудиралар ҳам йўқ эмас. Ҳамма иллат шундаки, кўпчилик одамлар ундай мудиралар-нинг таъмагирлигини оддий бир ҳол деб қабул қиладилар. Уларнинг бу қилмишларини керакли жойга хабар қилиш ўрнига 50—60 сўм пул бериб, «тинчгина» болаларини боғчага жойлаб қўйишни афзал кўрадилар.

Мана шундай нотўғри тушунча, лоқайд кайфиятнинг ўзи ҳам хатарлидир. Чунки, худди мана шундай кайфият порахўрликка йўл очиб беради....

Давр биздан мана шу иллатга қарши курашни талаб қиляптими, келинг, курашайлик!..

С. ПОЛЕГАЕВ,
область ички ишлар бошқармаси БХСС бўлимининг бошлиғи.

УЯТ!

КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисидаги қарори эълон қилингандан буён ўтган давр ичида маст ҳолда транспорт бошқариш ҳоллари ҳам кескин камайди. Бироқ, ҳали таг-томири билан тугатилганича йўқ. Ҳамон жазодан қўрқмайдиган «ботирлар», нафсини тиёлмайдиган баднафслар учраб турибди.

Ачинарлиси шундаки, ана шунақа баднафс ботирларнинг орасида кўплаб амалдорларни, олий маълумотли кишиларни ва ҳатто, автокорхоналарнинг раҳбарларини учратиш мумкин. Ана шундай раҳбар қўл остидаги шоферга рулда ичмасликни уқтираётганида кўзларини қаёққа олиб қочаркин — ахир унда заррача виждон бўлса шофернинг кўзига тик қаролмайди-ку...

1947 йилда туғилган Сергей Шкляр воқеаси бунга мисол бўлади. Ўрта Чирчиқ районида 02—48 ТШМ номерли КАМАЗ машинасини ҳайдаб бораётган бу йигит ростмана «отиб» олган эди. С. Шкляр республика Автомобиль транспорти министрлигига қарашли 74-автобазада... техника хавфсизлиги бўйича инженер (?!) бўлиб ишларди. Ана сизга томоша!..

Кайф билан машина бошқариш «ишқибозлари» орасида кўп учраётган раҳбар кадрларнинг яна бир тоифаси — колхозлардаги баъзи бир бригада бошлиқларидир. Улар асфальт йўлни ағанаб ётадиган уват деб ўйлашадими, ҳайтовур, тез-тез «отиб» машина бошқаришмоқда. Сентябрь ойининг ўзида областимиз йўлларида ўн нафарга яқин бригадирлар кайф билан қўлга тушди. Ўрта Чирчиқдан «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири Ражаб Муратов (В2972 ТШ, «Жигули»), А. Икромов номли колхоздан Маҳамат Қўзибоев (Б8778 ТШ, «Жигули»), Янгийўлдан Ленин номли колхоз бригадири Н. Йўлдошбоев (Б 92—57 ТШ «Жигули») шулар жумласидандир. Мазкур фактлар хўжаликларнинг раҳбарлари, қолаверса, районларнинг партия ва совет органлари қишлоқ хўжалигининг қуйи звено раҳбарлари ўртасида ичкиликбозликни тугатиш бўйича ҳали зарур даражада иш олиб бормаётганликларини кўрсатади.

В 2814 ТШ номерли «Жигули» ҳайдовчиси ҳам тўхтатилганида оғзидан гупиллаб ароқ ҳиди келиб турарди. Оҳангаронлик бу ҳайдовчи Норматов бўлиб, у киши давлат страхование идорасининг бошлиғи бўлиб ишларкан... 96—63 ТНА номерли УАЗ машинаси «Тез ёрдам» автобазасига қарашли экан. Унинг ширакайф шофери З. Иноғомжоновнинг ўзига янгийўллик автоинспекторлар «тез ёрдам» кўрсатишмаганида бирон корҳол рўй бериши эҳтимолдан узоқ эмас эди... «Ташзаготснаб» ташкилотининг тайёрловчиси З. Бойдадаев (Ж 1289 ТН, ЗАЗ), Ўзбекбирлашувнинг Тўйтепадаги кўчма механизациялашган колоннаси бош инженери М. Мирахмедов (Б 2500 ТШ, «Жигули») ҳам ароқни кўрганда ўзини тиёлмайдиганлардан бўлиб чиқишди.

Бу ароқхўрларнинг ҳаммаси 2, 3 йил ичида машина ҳайдамайдилар.

С. САЙДАЛИЕВ,
область Давлат автомобиль инспекцияси дивизион командири.

«Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросидан

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист **А. ҲАСАНОВ** жавоб беради.

— ● —

САВОЛ: мен кўп болали онаман. Колхозда бир неча йил ишладим. Тўртинчи фарзандим 1983 йил 28 августда туғилган. Шундан кейин болали оналарга бир йилгача бериладиган 35 сўмлик нафақа пулини олиб келдим. Болам бир ёшга тўлгандан кейин ҳам фарзандларимга қарайдиган киши бўлмаганлиги, колхозда эса болалар яслиси йўқлиги туфайли ишни давом эттиролмадим. 1985 йил 21 майда бешинчи фарзандим туғилди. Шундай ҳолатда 35 сўмлик нафақа пулини олиш ҳуқуқига эгаманми ёки йўқ? Шу тўғрида маълумот берсанглар.

С. ЧОРИЕВА.
Бўка районидаги Жамбул номли колхоз.

ЖАВОБ: КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг болали оналарга давлат ёрдами кўрсатишни кучайтириш ҳақидаги қарорига асосан бир йўла бериладиган нафақа ишламайдиган аёлларга биринчи, иккинчи ва учинчи фарзанд туғилганида 30 сўм миқдорида боланинг отаси ишлайдиган жойдан берилади.

Бола бир ёшга тўлгунига қадар бериладиган 35 сўмлик нафақа ишлаётган иш стажи бир йилдан кам бўлмаган оналарга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда махсус ўқув юртлари, ПТУ, аспирантура, клиник ординатура, малака ошириш курси ва мактаблари, малака ўзгартириш ва кадрлар тайёрлаш бўлимларида ўқиётган оналарга иш стажидан қатъий назар берилади.

Демак Сиз 30 сўм нафақа пулини олиш учун тегишли ҳужжатларни болангизнинг отаси ишлайдиган жойга ҳужжатларни топширишингиз керак.

— ● —

САВОЛ: мен 1977 йил февраль ойидан бошлаб совхознинг 2-бўлимидаги медпунктда ишлайман. Ишга кирган вақтимдан то 1983 йил март ойигача санитаркалигим учун 75 сўмдан маош тўлашди. Шундан кейин нимагадир менга ярим ставка 37-50 сўм тўланмоқда. Сабабини кимдан сўрашимни ҳам билмайман. Айтингчи, совхоз маъмуриятн тўғри иш тутганми?

Ш. ҲАЛИЛОВА,
Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхози.

ЖАВОБ: Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексининг 32-моддасига асосан айни бир корхона, муассаса, ташкилотнинг ўзида бошқа ишга кўчиришга, шунингдек, бошқа корхона, муассаса, ташкилотдаги ишга кўчириш фақат ишчи ёки хизматчининг розилиги билангина амалга оширилади.

Агар бошқа ишга ўтказилган ишчи ёки хизматчини ўша ихтисоси, малакаси, вазифа бўйича меҳнат ҳақи миқдори, меҳнат ҳақи тўлаш системаси, бериладиган имтиёзлар, афзалликлар ҳажми сақланса бошқа ишга кўчирилган деб ҳисобланмайди.

Хатингизнинг мазмунига кўра маъмурият меҳнат шартномасида шарт қилиб қўйилган тўлиқ ставка баравари ҳақ тўлашни тўхтатиб, Сизнинг розилигингизсиз ярим ставка ҳақ тўлаб хатога йўл қўйган.

— ● —

САВОЛ: 5 фарзанднинг онасиман. Турмуш ўртоғим колхозчи. Бу ерга яқинда кўчиб келганмиз. Болаларга нафақа олиш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Б. ҚОРАБОЕВА,
Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози.

ЖАВОБ: КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1974 йил 12 сентябрдаги қарорига асосан кам таъминланган оналарнинг болаларига бериладиган нафақа умумий даромад оиланинг ҳар бир аъзосига ойига 50 сўмдан ошмаган тақдирдагина тайинланади ва тўланади.

Хатингизнинг мазмунига кўра Сизнинг оилангизнинг ҳам умумий даромади ойига ҳар бир киши учун 50 сўмданга тўғри келмайди.

Демак Сиз 1978 ва 1981 йилларда туғилган кейинги икки фарзандингизга 12 сўмлик нафақа тайинланиши учун болаларнинг отаси ишлайдиган жойга ҳужжатларни топширишингиз лозим.

● **НАРКОЛОГИК автопатруль пойтахтимизда ҳайдовчиларнинг кайф билан машина бошқаришига бутунлай барҳам бериш мақсадини кўзлайди. Медиклар ва ГАИ ходимларидан иборат янги хизмат Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг асосий пунктларидан бирини бузувчиларга қарши самарали** курашмоқда. Ҳозир Тошкентда 5 та мана шундай ихтисослашган автобуслар доимий ишламоқда. Яқинда улар икки баравар кўпаяди.

Суратда: наркологик автопатруль рейди.

Р. Нуриддинов фотоси.
ЎзТАГ фотохроникаси.

ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Курсилар алмашганда

АБДУСАМАТ Абдуваҳоб терговчининг саволларига жавоб бераётиб бирдан сесканиб кетарди, кўзларини уқаларди: «Тушимми, ўнгимми? Наҳот ўнгим бўлса?» У яна терговчининг саволларини гўё эшитмагандек хаёлга толади. Кечагина раҳбарликнинг юмшоқ курсисига ўтирганида қанча севинган эди. Кимсан катта бир қурилиш ташкилотининг бошлиғи. 13-хўжалик ҳисобидаги қурилиш участкаси Паркентда йирик, баобрў ташкилотлардан ҳисобланарди. Абдусамат қўлига дипломни олиши билан мана шу ерда мастер бўлиб ишлай бошлади. Ўзининг ишчанлигию билимдонлиги сабаб бўлдими ёки шунчаки «омад кулиб боқдими», ҳайтовур, орадан бир йил ўтар-ўтмас мана шу ташкилотнинг бошлиғи лавозимини эгаллади.

Республика Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қарашли қурилиш-монтаж трестининг бу участкаси район қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида турли объектларни қуришга даъват этилган. Бу вазифаларнинг қай даражада яхши ёки ёмон бажарилиши кўп жиҳатдан унинг бошлиғига боғлиқ. Раҳбарнинг ташкилотчилигию билимдонлиги, коллектив ишига жонкуярлигию фидойилиги кўп нарсани ҳал қилади. Демак, гап Абдусамат Абдуваҳобов ҳақида кетяпти. Бу «муҳтарам бошлиқ» эса, қурилиш самарадорлиги ва сифатини ошириш, объектларни муддатидан илгари қуриб битказиш, қурилиш таннархини арзонлаштириш ва тежамкорликка эришиш кабилар тўғрисида ўйлаш ўрнига... ўз чўнтагини қаппайтириш ҳақида жон куйдира бошлади. Қизиғи шундаки, у қиғир ишларни 1984 йил январида бошлиқ этиб тайинланиши биланоқ бошлаб юборди.

Мана шу нарса кишини ўйлантиради, ташвишлантиради: ахир кечагина олий ўқув юртини битириб келган ёш мутахассис, ёш кадр қандай қилиб бирданига ҳаром йўлга кириб кетди? Наҳот олий ўқув юртида унга шуни ўргатишган, наҳот давлат минглаб сўм маблағни Абдусаматнинг кўзбўямачи ва текинхўр бўлиб етишиши учун сарфлаган?!

Абдусамат қора курсида хаёл суриб ўтираркан, кечаги юмшоқ амал курсиси бугун бунчалик тез мана шу қаттиқ қора курсига алмашганини тушуна олмасди. Терговчи эса ёшгина йигитнинг, ёш мутахассиснинг қилмишлари устида бош қотирарди. Аслида, Абдусамат унақа бош қотирадиган даражада «янгилик» ихтиро қилгани йўқ. У илгари кўп қўлланган ўғирлик усулидан фойдаланиб қўяқолди: тўлов ведомостларига ўлик жонларни тиркади. Яъни, фамилияси бору ўзи йўқ «ишчилар». Ана шу фамилиялар орқали ҳар ойда бошлиқнинг киссасига бир неча юзлаб сўм оқиб тушаверди.

Шу тариқа, А. Ню номига ёзилган 1536 сўм 52 тийин, Р. Рўзматовга ёзилган 1650 сўм 33 тийин, В. Кручининнинг 524 сўм 56 тийини, Ў. Исаевнинг 2034 сўм 14 тийини, Ҳ. Ёрматованинг 963 сўм 35 тийини, ҳуллас, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир кишиларнинг жами 9059 сўм 06 тийини Абдуваҳобовнинг ҳамёнига тушди. Бошлиқ тўлов ведомостлари орқали пулни бевосита ўзи олди.

Шундай экан, Абдуваҳобовнинг жинояти фақат унинг ўзигагина тегишлими? Нега унинг атрофидаги одамлар, мана шу жиноятни содир этилишига имконият яратиб берган масъул вазифалардаги кишилар буни кўра-била туриб ҳеч нима дейишмади? Давлатнинг текин пулини бошлиққа жарақ-жарақ санаб бераётган кассир, қурилишда йўқ одамларга наряд ёзган бригадирлар, уни расмийлаштирган бухгалтерлар бу қаллобликларни билишмасмиди? Ишониб бўлмайди...

Тергов давомида Муҳаммад Қамбаров деган шахс ҳам жиноий жавобгарликка тортилди. 1981 йилдан 1984 йилгача мазкур қурилиш ташкилотида мастер бўлиб ишлаган бу киши ҳам давлатдан ўғирланган 1506 сўм 48 тийинни жиғилдонига уриб юборган.

Ҳа, қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади... У қилмишига яраша жазо олди.

М. ХОЛМОНОВ,
Паркент район прокуратураси терговчиси,
Т. ДЎСМАТОВ,
журналист.

ХАТЛАР, ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР

БИРИНЧИ ХАТ

Газетхон Султон Муҳамедов редакцияга йўллаган шеърий фельетонда Чирчиқ шаҳар тахта ва кўмир базасидаги тартиббузарликлар баён этилган. Муаллиф, кўмир келган куни ярим тундан бошлаб 80 га яқин киши «қўлбола рўйхат»да навбатга ёзилганини, бироқ кўмир тарқатилаётганида бу навбатга қатъий амал қилинмаганлигини тасвирлаган ва бу ҳақда шаҳар халқ контроли комитетига ҳам мурожаат қилганини айтган.

* * *

— РОСТ, бу одамдан бизга сигнал тушган эди, — деди халқ контроли комитетининг инспектори А. Ромашковец ва кўрилган тадбирлар ҳақидаги актни узатди:

— Кўмир харидорларнинг ўзи томонидан тузилган рўйхат-навбат бўйича реализация қилинган. Бироқ, ўша куни ҳар қачонгидек транспорт экспедицияси агентлиги томонидан жуда кам — атиги 4 та машина ажратилган. Харидорлар шоферлар билан ўзаро келишиб, машиналарни «тортторт» қилиши натижасида диспетчер Л. Шукшина транспорт ҳаракатини назорат қилолмаган, квитанцияларни ўз вақтида расмийлаштирмаган.

Масалан, Т. Тўраев давлат номери 77—79 бўлган машина шофёрига 10 сўм қўшимча ҳақ таклиф қилган, у буни кам деб кўнмаган. Шунингдек, Ниёзбек маҳалласида яшовчи Раҳмонбердиев, Алимбоев, Зоиров ўртоқлар ҳам шофёрларга таклиф этилган қўшимча ҳақни тасдиқлашди.

Харидорларнинг норозилиги транспорт агентлиги ажратган машиналар камлиги натижасида келиб чиққан.

* * *

ҲОЗИР ҳам ёнилғи савдоси тиғиз пайт. Қишлиқ-қировли қунлар учун кўмир ғамлаб олиш зарурати бўлган ҳар бир оиланинг ташвишидир. Навбатда турганлар 70—80 киши бўлган бир пайтда, тўрттагина машина эҳтиёжни мутлақо қондиролмаслиги табиий. Кўмир эса базага ҳар куни келавермайди.

Шуларни эътиборга олиб, область транспорт экспедицияси бирлашмаси раҳбарлари базага кўмир келган кунларда кўпроқ машина ажратсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ИККИНЧИ ХАТ

ҲУРМАТЛИ редакция! Биз Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозида яшовчи М. Рашидова ва К. Муҳамедова Тошкент шаҳридаги 1-модалар ателъесига кўйлак тиктириш учун бориб, асабимиз бузилиб қайтиб келдик. Одамларга маниший хизмат кўрсатадиган бу даргоҳда ишимиз битмагани устига бир оғиз ҳам ширин муомалаларнин эшитмадик. Гарчи биз хоҳлаган атлас намунага қўйилган материаллар орасида турган бўлса ҳам, миллий кўйлак бичиқчиси отпускага кетишини баҳона қилиб биздан буюртма қабул қилмади. Бичиқчига «отпускадан кейин тикиб бersангиз ҳам майли, фақат ҳозир буюртма қабул қилинг» деб ялинсак ҳам бўлмади, «буюртма кўпайса мени отпускага юборишмайди» деди.

Ателье мудираси вазифасини бажарувчи ёшгина жувон ҳам илтимосимизни қондириш ўрнига кўрс жавоб қайтарди.

Наҳотки шаҳар марказидаги катта бир ателъеда фақат биргина бичиқчи бўлса? Наҳотки, ўша материаллар хўжакўрсинга қўйилган бўлса?! Бор материалга буюртма қабул қилмасликни қандай тушуниш мумкин? Биз тиктиролмаган кўйлакка ачинмадик, буюм тоғиладиган нарса, бу даргоҳдаги муомала-муносабат бизни қаттиқ ранжитди.

* * *

— РОСТ, бир-икки шундай дағал муомалали ходимларимиз йўқ эмас, — деди ателье мудири Л. Кузнецова хат билан танишгач, — дарҳақиқат, мижозларга нотўғри муносабатда бўлишибди. Бичиқчи битта эмас, бошқаси ҳам буюртмани қабул қилиши мумкин эди. Мен отпускада эдим, ўрнимга қолган ходим ёшлик қилибди. Бу камчиликларни ўзимиз тугатамиз, ранжиб редакциямга хат ёзган икки аёлнинг ҳожатини чиқарамиз.

* * *

К. МУҲАМЕДОВА ва М. Рашидоваларнинг редакцияга ёзган хати бўйича шуни маълум қиламиз:

Бу икки аёл ателъега чақиртирилди. Улар кўнгилларига ёққан материалдан кўйлак буюртириб, мамнун бўлдилар. Улар ёзиб беришган тилхатни хатга илова қиляпмиз.

1-модалар ателъеси мудири Л. КУЗНЕЦОВА.

Тошкент янгиликлари

ШАНБАДАН ШАНБАГАЧА

«СЪЕЗДДАН СЪЕЗДГАЧА»

30 ноябрь, шанба

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Озиқ-овқат программаси» павильонида очилган янги кўргазма шундай деб аталади.

Унда Фарғона ва Сирдарё областлари меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди қарорларини изчил амалга ошириш соҳасида эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Кўрик-кўргазмада ҳар икки областда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари кенг намойиш этилмоқда. Биргина Фарғона областида беш йиллик бошидан бери саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 25,4 процентга ортди. Ҳозирги кунда областнинг 175 та саноат корхонаси йилига 1 миллиард 270 миллион сўмлик 1770 дан ортиқ турдаги халқ истеъмоли моллари тайёрлаяпти.

Экспозицияда Фарғона области саноат корхоналарида чиқитсиз технологияни жорий қилиш соҳасида эришилган натижалар билан танишиш мумкин. Бу ерда шунингдек, турли кийим-кечаклар, чанқовбосди ичимликлар, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Алоҳида стендлар областда маданий-маърифий ва спорт ишларини яхшилашга, мактаб ислоҳотини амалга оширишга бағишланган. Уларда ўтган беш йиллик мобайнида икки стадион, сузиш бассейни, 79 та спорт зали, 285 та спорт майдони, 7 та футбол майдони, 47 та клуб муассасаси ишга туширилганлиги кўрсатилади. Шунингдек, областда 48 минг ўқувчига мўлжалланган 78 та умумтаълим мактаблари, 10 та ҳунар-техника билим юрти, 38 минг ўринли 79 та ясли ва болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширилди.

Сирдарё областига бағишланган экспозицияларда ҳам съезддан съездгача халқ хўжалигини юксалтириш, социал тадбирларни амалга ошириш соҳасида эришилган муваффақиятлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

● Унумли меҳнатдан сўнг мароқли қўшиқ тинглаб, жозибали рақс томоша қилишга нима етсин! «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзбек ашула ва рақс ансамбли ҳаваскорлари ишчи-хизматчиларни сменадан сўнг корхона маданият саройига таклиф этадилар. Бу ерда дилрабо куй ва қўшиқлар янграйди, лобар рақслар ижро этилади. Суратда: ансамбль рақносаси Лола Шукурова даврада.

В. Сироткин фотоси.

МУСИҚА ИХЛОСМАНДЛАРИГА

7 декабрь, шанба

АКМАЛ ИКРОМОВ районидаги Усмон Юсупов номли маданият уйида мусиқа ихлосмандларига атаб ташкил этилаётган оғзаки журналнинг навбатдаги сони машҳур композитор Л. Свиридов ижодига бағишланади.

Тошкент Давлат консерваториясининг доценти М. С. Ковбас композиторнинг ижоди, унинг машҳур асарлари тўғрисида батафсил гапириб беради. Шундан сўнг маданият уйи ҳузуридаги музика студияси ўқувчилари композитор асарларидан ижро этадилар.

Бу ерга тўпланганларга еттинчи синф ўқувчиси Р. Ҳакимованинг фортепьянода ижро этадиган Л. Свиридовнинг «Уйқу олдидан», бешинчи синф ўқувчиси Г. Ҳасанова ижро этадиган «Қиш» пьесалари манзур бўлади.

Оғзаки журнал сўнгида композитор асарлари асосида дискотека ўтказилади.

Маданият уйида мусиқа ихлосмандлари учун бошқа машҳур совет композиторларининг ҳам ижодига бағишлаб оғзаки журналлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

УШБУ подборкани А. ПЎЛАТОВ, А. ҲАКИМОВ, А. НОСИРОВА, М. ИКРОМОВЛАР тайёрлашди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ГУЛЛАР ЧАМАНИ

2 декабрь, душанба

БУ КУН Тошкент шаҳридаги гул дўконлари ўзгача чирой касб этди. Чунки, Тошкент шаҳар ижроия комитетига қараши гулчилик ва манзарали боғдорчилик совхози коллективи душанбада савдо тармоқларига 20 минг дона — одатдагидан икки баробар кўп анвойи гуллар жўнатди.

Совхоз гулчилари ҳамшаҳарларимизнинг хонадонларида ҳар куни гуллар чаман очиб туриши учун фидокорона меҳнат қилаётирлар. Айниқса, Абдувоҳид Каримов бошлиқ бригада ишчилари гул етиштириш коллективга намуна бўлмоқдалар. Улар ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида бажариш туфайли гул тайёрлаш топшириқларини 1,5 ҳисса ошириб бажармоқдалар. Гул етиштиришда Зулфия Ғуломова етакчилик қилаётган звено коллективи ҳам яхши натижаларга эришмоқда.

Шу кунларда совхоз меҳнаткашлари чиннигул, хрезонтема, карнайгул ва бошқа гулларни савдо тармоқларига етказиб бераётирлар. Хўжаликда қиш даврида ҳам мунтазам гуллар етиштириш учун зарур чоралар кўрилган. Ҳозир янги экилган гулларни парвариш қилиш қизғин давом этмоқда.

Янги йил арафасида Тошкент гуллари мамлакатимизнинг марказий шаҳарларига ҳам жўнатилади.

ШИРИН ВА... ПАРҲЕЗЛИ

4 декабрь, чоршанба

«УРТОҚ» кондитер фабрикасининг техника кенгашида келгуси йилда ишлаб чиқарила бошланадиган маҳсулотлар намуналари дегустациядан ўтказилди.

Корхона мутахассислари савдо тармоқларида харидорлар талаблари ва таклифларини ўрганиш асосида ҳозир ишлаб чиқарилаётган айрим қандолат маҳсулотларини янгилаш зарур деган хулосага келдилар. Жумладан, кейинги пайтларда батонли конфетларга талаб бир мунча камайди. Ана шундай ширинликлар ишлаб чиқиладиган линияда янги маҳсулотлар тайёрлашга қарор қилинди.

Шу мақсадда фабрика мутахассислари Москва ва Волгоград шаҳарларидаги кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаларида бўлиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси билан яқиндан танишдилар. Бу тажриба алмашиш натижасида ҳамда мавжуд имкониятлар ҳисобига олинган ҳолда ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилидан бошлаб корхонада «Балет», «Лирика», «Южанка», «Юниор» каби шоколадли конфетлар ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Улар ширинлиги билан ажраляб туради. Айни пайтда янги қандолат маҳсулотлари учун чиройли безакли этикеткалар ҳам тайёрланаяпти.

Ҳозирги пайтда фабрикада 94 турда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Келгуси йилдан бошлаб эса бу ерда яна етти хил конфетлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Улар орасида парҳезли конфетлар борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. У шираси ўткир конфетларни истеъмол қилиш тавсия этилмаган кишиларга мўлжалланган.

Корхона ишчи-хизматчилари янги турдаги маҳсулотларни оммавий ишлаб чиқаришга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Машина ускуналар реконструкция қилинаяпти, зарур хомашёлар келтирилмоқда.

Янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ «Уртоқ» фабрикаси тамғаси қўйилган ширинликларни савдо пештахталарида учратасиз.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» да

9 декабрь, душанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.10 — «Бир-биримизга муносибмизми, азизим?» Бадиий фильм. 11.35 — Композитор М. Заринь. 12.05 — Телефильм. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — Ўсмирлар ижоди. 16.35 — М. Горький. Америка ҳақида очерклар. 17.10 — Ўқувчиларга нон ҳақида. 17.40 — Фильм-концерт. 17.50 — Ҳужжатли фильм. 18.10 — Концерт. 18.45 — «Жадаллаштириш» 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.40 — «Ҳар тўкисда бир айб». Фильм-спектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.30 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Рус тили. 10.55 — Ҳужжатли фильм. 11.05 — Концерт. 11.35 — «Владимир Ильич Ленин» Поэма. 12.05 — «Фан ва турмуш». 13.10 — Умумий биология. 13.40 — Тарих. 14.10 — «СССР Герби ҳақида». 14.35 — «Баратинский деган шоир яшаган». 15.40 — «Электроника ва биз». 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Телефильм. 19.00 — Ритмик гимнастика. 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.05 — Телевикторина.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Эртак кетидан эртак». 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — «Оила ва жамият». 8.20 — «Ватанимни шарафлайман». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Ўқувчилар бригадаси». 18.45 — «Ёшлик». 19.15 — Мультфильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Адабий альманах». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Созандалар ҳақида ҳикоялар». 21.30 — «Время». 22.05 — КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.15 — Москва-II. 18.10 — «Балогатга етмаганлар». Бадиий фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Биология. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Зулфия лирикаси. 21.30 — Москва-II.

10 декабрь, сешанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Ҳар тўкисда бир айб». Фильм-спектакль. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — «Буратино кўргазмаси». 16.25 — «Стадион ҳамма учун». 16.55 — Концерт. 17.15 — «Истеъдод». 17.45 — Концерт. 18.15 — «Сиз яратган боғ». 18.45 — «Шу куннинг почтаси» 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.50 — Фигурали учиш. Халқаро турнир. 21.30 — «Время». 22.05 — Қиш манзараси. Кинолавҳа. 22.15 — Тожикистон ССР телевидениесининг программаси. 23.30 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Телефильм. 10.05 — Француз тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 — География. 12.05 — «Шахмат мактаби» 13.10 — Ўқув кўрсатуви. 14.10 — «Ўтмиш билан учрашув». 14. 55 — «Драматургия ва театр». 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Ҳамдўстлик. 19.10 — Композитор Е. Мартинов билан учрашув. 20.00 — «Инсон ва қонун». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 21.30 — «Время». 22.05 — «Синов муддати». Бадиий фильм. 23.40 — Қўл тўпи. Халқаро турнир.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — Пионер телетайпи. 8.10 — «Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Тенгдош». 18.45 — Мультфильмлар. 19.10 — «Бугун — Инсон ҳуқуқлари куни». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Миллионлар ленинча университети». 20.15 — Телефильм. 20. 30 — «Ахборот». 20.50 — Телеминиатюралар. 21.30 — «Время». 22.05 — «Чорвачилик — зарбдор фронт».

ТОШКЕНТ-II. 9.00 16.15 — Москва-II. 18.10 — Физика. 19.10 — «Ҳақиқат битта бўлади». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ритмик гимнастика. 20.05 — Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-II.

11 декабрь, чоршанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Ўсмирлар ижоди». 10.20 — «Синов муддати». Бадиий фильм. 11.55 — «Саёҳатчилар клуби». 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Концерт. 16.45 — Адабий кўрсатув. 17.45 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30 — «Фан ва турмуш». 19.00 — Концерт. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Телефильмлар. 19.55 — «Ҳаётимиз программаси». 20.10 — «Ивонна». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Телефильм. 22.15 — Футбол. УЕФА кубоги.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Ўқув кўрсатуви. 10.05 — Немис тили. 11.05 — Рус халқ тарихий қўшиқлари. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 — «Оила ва мактаб». 13.10 — Умумий биология. 14.10 — Эстетик тарбия. 14.40 — Ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши. 15.10 — Ҳайкалтарошлик. 15.40 — Оилавий турмуш эстетикаси ва психологияси. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — «Камалак». 19.00 — Телеочерк. 19.30 — «Музикали киоск». 20.00 — «Шахмат мактаби». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.50 — Баскетбол. Кубок эгалари кубоги. 21.30 — «Время». 22.05 — «Театр сулоласи»

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Мультфильм. 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — «Ижод ва изланиш». 8.20 — «Оила ва касб танлаш». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — «Тенгдошларинг ижодидан». 18.55 — «Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат». 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ахборот» 19.45 — Халқаро аҳвол кундалиги. 20.00 — «Ёзувчи ва замон». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.15 — Москва-II. 18.10 — Ўзбек мактабларида рус адабиёти. 18.45 — Телефильм. 18.55 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Эстетика асослари 20.20 — Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Телефильм. 21.00 — «Инсон ва стихия» 21.30 — Москва-II.

12 декабрь, пайшанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Буратино кўргазмаси». 10.10 — «Ивонна». Бадиий фильм. 11.30 — «Ҳайвонот оламида». 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 15.40 — «Эски дунёдан воз кечамиз». 16.25 — И. Гайдн. 90-симфония. 16.55 — Ўқувчиларнинг Иваново область Ленин район партия комитетининг секретари Л. Мигунова билан учрашуви. 17.35 — Фильм-концерт. 18.00 — «Сўзни амалда иш билан оқла». 18.30 — Футбол. УЕФА кубоги. 20.15 — «Ўз олдингда». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Бадиий фильмнинг 2-серияси. 23.10 — «Дунё воқеалари». 23.25 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Испан тили. 10.55 — Ҳужжатли фильм. 11.05 — «Олис олисларда». 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 — «Сиз яратган боғ». 13.40 — «Севги изҳори». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар. 16.00 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Қалбга яқин қўшиқлар». 19.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Ритмик гимнастика. 21.15 — Халқ куйлари. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 22.50 — Илмий-оммабоп фильм. 23.00 — Футбол. Ўтиш туркири.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — «Беш йиллик одимлари». 8.20 — Янги китоблар. 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 18.40 — «Ҳаёт каби тирик». 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Дала ишлари кундалиги». 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Камолот сари. 21.30 — «Время». 22.05 — «Партия турмуши». 22.35 — «Нафосат».

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.05 — Москва-II. 18.10 — «Зарница — 85». 18.40 — Телефильм. 18.55 — «Инсон ва табиат». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Реклама. 19.55 — Зоология. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.20 — Телекиножурнал. 21.30 — Москва-II.

13 декабрь, жума

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Ўқувчиларнинг Иваново область Ленин район партия комитетининг секретари Л. Мигунова билан учрашуви. 10.20 — «Ўз олдингда». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — Рус тили. 16.15 — Концерт. 16.35 — «Подмосковье қишлоқларининг бугунги ва эртанги куни». 17.05 — «Ҳамдўстлик». 17.35 — «Эртак ҳузурида меҳмонда». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Дунё ва ёшлар». 20.10 — «Санъат усталари». 21.30 — «Время». 22.00 — «Муаммолар — изланишлар — ечимлар». 24.00 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — «Урал эртакчиси». 10.30 — Инглиз тили. 11.00 — Уруш йили қўшиқлари. 11.35 — География. 12.05 — Д. Кугультинов поэзияси. 13.10 — Совет тасвирий санъати. 14.25 — Тележурнал. 15.10 — Р. Роллан. Хотиралардан. 16.00 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Камалак». 19.20 — Телефильм. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Реклама. 20.50 — «Онамларнинг мактаби». 21.20 — Телефильм. 21.30 — «Время». 22.00 — Эстрада томошалари.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Мультфильм. 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — «Ёшлик». 8.30 — «Ахборот» 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 18.45 — «Ёшлик». 19.15 — Ленин ҳақида ҳикоялар. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Томорқа хўжалигингизда». 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига.

Тошкент-II. 9.00 — 16.05 — Москва-II. 18.10 — География. 18.50 — «Ўғлим ҳузурига». Бадиий фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ритмик гимнастика. 20.05 — Телефильмлар. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Телефильм. 20.55 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

14 декабрь, шанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.05 — «Авторалли—85». 10.30 — «АБВГДейка» 11.00 — Реклама. 11.30 — Тасвирий санъат. 12.15 — Телеочерк. 12.40 — Концерт. 13.25 — Поэзия. 14.10 — «Камалак». 14.45 — «Оила ва мактаб». 15.15 — «Дунё воқеалари». 15.25 — «Ўрмондаги тутун». Бадиий фильм. 16.15 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 17.15 — Фильм-балет. 17.45 — «Ўсимликлар дунёси». 18.30 — «Кўзга кўринмас одам». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 20.30 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Останкинода ёшлар кечаси. 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — Телефильм. 9.40 — Белоруссия телевидениесининг программаси. 11.05 — «Тонгги почта». 11.35 — «Кинопанорама». 13.10 — «Диктатура». Телеспектакль премьераси. 14.40 — «Дебют». 14.55 — «Здоровье». 15.40 — «200 йил ўтгач». 16.00 — «Саёҳатчилар клуби». 17.00 — Тўпли хоккей. СССР чемпионати. 17.45 — «Ўсмирлар учун музикали кўрсатув». 19.50 — «Ерда, самода ва денгизда». 20.20 — Телефильм. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Бадиий ўқиш. 21.30 — «Время». 22.05 — Кинокомедия — «Аршин-мололон».

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Мультфильм. 8.05 — Тонгги тароналар». 8.10 — «Сўз кетидан сўз келар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Телефильм. 9.00 — «Время». 9.40 — «Агар соғлом бўлай десанг». 10.10 — «Кинередакция почтасидан». 10.55 — Театр учрашувлари. 11.45 — «Ноктюрн». Бадиий фильм. 13.10 — «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Концерт. 19.05 — «Тинчлик ва бунёдкорлик йўлидан». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Мультипанорама». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Ёшлигим менинг». 21.30 — «Время». 22.05 — «Ягона, аҳил оилада».

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Тожикистон телевидениесининг программаси.

15 декабрь, якшанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Камалак». 10.05 — «Спортлото». 10.15 — «Будильник». 10.45 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 11.45 — «Здоровье». 12.30 — «Тонгги почта». 13.00 — Киножурнал. 13.10 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.10 — «Музикали киоск». 14.40 — «Ералаш». 14.50 — «Дербент» танкерн». Бадиий фильм. 16.25 — Телефильм. 16.55 — Телекўрсатув. 17.40 — Фильм-концерт. 18.05 — Мультфильмлар. 18.35 — «Халқаро панорама». 19.20 — Концерт. 19.35 — «Кўзга кўринмас одам». Бадиий фильм. 3-серия. 20.30 — «Саёҳатчилар клуби». 21.30 — «Время». 22.05 — Эстрада томошалари. 22.55 — Футбол. Ўтиш турнири. 00.25 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — «Зарядка — сафланинг!» 9.15 — Расм-ларда қуёш акси бор». 9.30 — Ритмик гимнастика. 10.00 — «Рус тили». 10.30 — Концерт. 11.00 — Телефильм. 11.20 — И. Брамс. 4-симфония. 12.05 — «Эртак ҳузурида меҳмонда». 13.45 — «Ю. Трифонов ижоди саҳифалари». 14.45 — Оренбург телевидениесининг программаси. 15.50 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 16.20 — «Ҳайвонот оламида». 17.20 — «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Бадиий фильм. 5-серия. 18.25 — «Москва учун жанг». «Улуғ Ватан уруши» киноэпопеясининг 2-фильми. 19.15 — Машҳур совет композиторлари. 19.55 — «Дунё ва ёшлар». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Телефильм. 21.00 — Халқаро турнир. 21.30 — «Время». 22.05 — Қисқа метражли бадиий фильмлар.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — Врач маслаҳати. 8.10 — «Биргаликда куйлаймиз». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Ҳужжатли фильм. 9.00 — «Время». 9.40 — «Истеъдод». 10.00 — «Фан уфқлари». 10. 30 — «Ҳовлимиздаги стадион». 11.00 — «Светофор». 12.00 — «Саховатли паҳлавонинг уйланиши». Бадиий фильм. 13.05 — «Халқ оғзаки ижоди». 14.05 — Реклама. 18.20 — Илмий-оммабоп фильм. 18.40 — «Бойчечак». 19.15 — Мультфильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Сиҳат-саломатлик» 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Эртага — премьера».

ТОШКЕНТ-II. 16.00 — Қирғизистон телевидениесининг программаси.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

«БОЛАЛИКДАН КЕЙИНГИ 40 ЙИЛ»

ЎЗБЕКИСТОН илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси М. Алимов ва Д. Салимов сценарийси асосида яратган «Болаликдан кейинги 40 йил» деб номланган картина болалик ва уруш мавзусига бағишланади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизм фақат армиялар ва солдатларга қарши урушибгина қолмади. У ўзини ҳимоя этишга ожиз бўлган кимсаларни ҳам қирғинбарот қилди. Уруш давомида 1 миллион 800 минг бола ҳалок бўлди. Европалик 13 миллион бола етим қолди. Нацистлар Ғарбга олиб кетган болалар қисмати ғоят даҳшатли бўлди.

Сўронли йилларда Ўзбекистон эвакуация қилинган миллионга яқин одамни, жумладан, 200 минг болани ўз бағрига олди ва улар учун иккинчи Ватан бўлиб қолди.

Болалик ва уруш бир-бирига зид тушунчалардир. Бизни ўтмишга назар ташлашга мажбур этувчи бу фильмнинг бош ғояси шундай. У янги авлодлар тақдири ҳақида ўйлаб, одамларни огоҳлантираётгандек бўлади.

Картинани режиссёр-оператор Д. Салимов ва оператор Ш. Маҳмудов суратга олганлар.

У. АБДУШОҲИДОВ.

Спорт

А. КАРПОВ МАТЧ-РЕВАНШ ЎЙНАЙДИ

▲ ШАХМАТ бўйича жаҳоннинг собиқ чемпиони Анатолий Карпов Халқаро Шахмат Федерацияси унга берган имтиёздан фойдаланиб, жаҳон чемпиони Гарри Каспаров билан матч-реванш ўйнашга қарор қилди. А. Карпов бу ҳақда ФИДЕга 5 декабрда ёзма равишда ахборот берди.

Маълумки, матч-реванш ўтказиш муддати ФИДЕ томонидан эълон қилинган эди. Бу ўйин келаси йилнинг 10 февраль — 21 апрель оралиғида ўтказилиши лозим.

ТУРТЛАР ТУРНИРИ

▲ КЕЛАСИ йил мамлакат чемпионатининг олий лигасида ўйнаш ҳуқуқи учун даъвогарлик қилаётган тўртлар турнири давом этмоқда. Одессанинг «Черноморец» футболчилари Марказий армия спорт клубини 2:1 ҳисобида маглубиятга учратгандан сўнг, 5 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Нефтчи» командасида 4 та, «Даугава»да 2 та, ЦСКАда битта очко бор. Биринчи давра тугади. Олдинда иккинчи давранинг 6 та ўйини бор. Лекин олий лига вакиллари «Черноморец» ва «Нефтчи» биринчи лига голиблари «Даугава» ва ЦСКАга қараганда анча устун эканликлари яққол сезилиб турибди.

ОЧКОЛАРНИ БЎЛИШИБ ОЛИШДИ

▲ «БИНОКОР» навбатдаги ўйинларни ўз майдонида Свердловскнинг «Автомобилист» командаси билан ўтказди. Биринчи учрашувда меҳмонлар 3:0 ҳисобида устун келишди. Такрор ўйин ниҳоятда кескин ва қизиқарли бўлди. Биринчи бўлимда майдон эгалари ҳисобни очишди. Иккинчи бўлим бошланиши билан «Бинокор» 2:0 ҳисобида олдинга ўтиб олди. Лекин кейинчалик меҳмонлар ҳисобни тенглаштиришгина қолмай, 3:2 ҳисобида устунликка эришдилар. Аммо тошкентликлар учрашувнинг сўнгги минутларини ҳужумкорлик руҳида ўтказиб, аввалига Ерилин, сўнгра Макаров иккита шайба киритиб, ҳисобни 4:3 га етказишди. Шундай қилиб, командалар очколарни бўлишиб олдилар.

ТУП — СУВ УСТИДА

▲ МИТРОФАНОВ номидаги сув спорти саройида «Умид» кубоги учун ўсмирлар ўртасида ватерполчиларнинг Бутуниттифоқ турнири бўлиб ўтди. Озарбайжон вакиллари биринчи, Қозоғистон командаси иккинчи, республикамиз вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

"ЭЛЕКТРОНИКА"

ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ

КЕНГ АССОРТИМЕНТДА ўқув жараёнида ишлатиладиган «Электроника» маркали МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАРНИ нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан сотиб олиш учун

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

болалар учун радиобошқарув ўйинлари (танк, автобус, автомобиль), шунингдек, «Миннифон» янги электр музикали ўйинчоғи (кичик ёшдаги болалар учун — иккита программалаштирилган куй ёзилган)ни

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XII да **Отелло**, 8/XII да **Олтин девор** (11.00), **Келинлар кўзголони** (15.00),

Тошкент область матлубот жамиятлари союзининг правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда хўжалик ҳисобидаги область ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма директорининг ўринбосари З. И. Исмоиловга онаси

Муҳаррам МУҲСИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. 08539. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64664. А. 1842.